

1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган



Суратда: Эргаш полвон ўғиллари Баҳодир ва Бахтиёр билан

ЭРГАШ ПОЛВОНИНИНГ ЧИРОФИ ЁНИК

Шу йилнинг биринчи апрель куни Косонсой халқи Эргаш полвоннинг вафоти ҳақидаги хабарга ишонмади. "Йўғ-е, ҳазил қилиша-ётгандир. У ахир йигитлардек сопа-соғ кўринарди. Юрса йўллар тўлиб, қулса гуллар хандон очиларди. Ҳар бир кифтида тоғларни кўтаргудек ғайрати бор эди..." дейишди. Шу куни унинг кенг, файзли, гулзору мевазор ҳовлиси нафақат косонсойликлар, балки республикамизнинг тўрт томондан келган полвонлару муҳлислар, қон-қариндошу ёру дўстлар билан лик тўлди.

Дарҳақиқат, бир умр курашиб, елкаси ерга тегмаган, тош кўтариб, кураш тушиб "иҳ" демаган, мард, кучли ўғилларни, лобар қизларни тарбиялаб эъзоз, ҳурмат топган Эргашхўжа полвон Дадахўжаев 58 ёшида тўсатдан вафот этган эди.

Ҳа, у ўн-ўн икки ёшидан бошлаб, акиси Жўрахўжа икковлари полвонлик санъатини ўрганишди. Наманган педагогика институтининг спорт факультетини тамомлагач, минглаб сайлларда томошалару муҳобақаларда голиб бўлишди. Энг муҳими Эргаш полвон умр йўлдоши, ажойиб лобар аёл Ҳалимаҳон билан биргаликда Баҳодиржон ва Бахтиёржондек жасур, барно йигитларни тарбиялаб, уларнинг элга таниқлик полвонлар бўлиб етишувига эришдилар. Қизлари Собираҳон, Нигораҳон, Дилфузаю Шаҳнозалар ўқитувчи, шифокор, чевар, пазанда, энг муҳими уйим-жойим дейдиган ибодли, хаёли инсонлар бўлиб ҳурмат-эътибор топаётдилар. Эргаш ака шириншакер қизлари Собираю Нигораҳоннинг тўйларига бош бўлиб, ажойиб қуввларга ота бўлди. Назираҳону Муқаддасхонлардек гўзал келинларнинг қўлидан чой ичиб, уларни дуо қилди.

Бу оилада азал-азалдан ота-онага ҳурмат, эъзоз кучли бўлган. Ота-онанинг бир сўзини икки қилиш булар учун ёт нарса. Баҳодиржон билан Бахтиёржон дадасининг, аясининг яхши тарбиясини олиб, ичмай, чекмай, бир дақиқа

бўлсин бекор юрмай, фақат ўқиш-ўрганиш, меҳнат қилиш, машқдан тўхта-маслик билан яшадилар. Бунинг эъзозига аввало соғлом, қолаверса машҳур полвонлар бўлиб танилдилар. Булар тўрт-беш ёшларидан отаси Эргашхўжа полвоннинг ёнида дастёрлик қилишиб, машаққатли меҳнатда чинқишди. Отасининг барча хунарларини сабот-ма-тонат билан ўрганишди. Меҳрибон, айни пайтда жуда талабчан отаси бирон марта бўлсин овозини баланд кўтармас, фарзандларини койимас эди. Лекин болалар унинг айтганини сўзсиз бажаришарди. Хузурда бош эгиб туришарди. Топган-тутганлари отанинг қўлида сақланарди.

Ота ўғилларига кураш тушиш, дор ўйнаш, тош кўтариш, илон ўйнатиш, сўзамоллик билан ҳаммани ўзига қаратиш сир-синаотларини мукамал ўргатди. Машқдан тўхтамасликни, доимо олдинга интилишни, изланишни талаб қилди.

Халққа манзур бўладиган ўйинларни ўйлаб топиш керак, - дердилар дадам, эслайди Баҳодир. - Мен 2005 йили Қашқадарёда бўлганимда туянинг бўталогини сотиб олдим. Ва Косонсойга олиб келиб, ҳар куни икки маҳал уни бошим узра даст кўтариб, айлантириб, машқ қилавердим. Укам Бахтиёр ҳам тинмай шуғулланади. Ҳозир ўша бўталокнинг оғирлиги 400 кг.га етиб қолди. Уни бемалол кўтариб, бошим узра айлантира олам. Шу йил июль ойида Чирчиқда бўлган "Халқ ўйинлари" фестивалида иштирок этиб, Алпомиш номинацияси бўйича голиб бўлдим. 2005 йили Жиззахда бўлган "Халқ ўйинлари фестивали"да "Жигули" автомашинасини кўтариб, "Алпомиш номинацияси" бўйича голиб бўлган эдим. У пайтда раҳматли отам ёним-

да эдилар. Мен отамга бир қараб қўйсам, у кишидан дуо олсам, кучга тўлиб кетардим. Чирчиқда бўлган курашда отамнинг руҳларидан, дўстлар муҳлислар олқишидан мадад олдим. Икки карра голибликни кўлга киритдим... Эргаш полвон саховатли инсон эди.

Дўстлар, қўни-кўшилару қариндош-уруғлардан жонини ҳам аямасди. Юзлаб шогирдлар тайёрлаб, унлаб савобли ишларга бош қўшган эди.

Отамнинг хайрли ишларини давом эттириш ниятидамиз, - дейишди ака-ука Баҳодир ва Бахтиёржонлар, - Косонсой истироҳат боғининг ярмидан кўпи қаровсиз ҳолда ётибди. Ҳокимиятга ариза бердик. Шу жойни обод қилсак, дор ўйинлари, кураш-қўйинг-чи, спорт соҳасида турли халқ ўйинлари ўтказиладиган гўзал масканга айлантирсак, деб ният қилдик. Насиб қилса отамнинг номига хотира турнирлари ўтказамиз. Отамга ўхшаб, шогирдларга бағримизни очамиз. "Косонсой полвонлари" гуруҳи отамнинг номи билан машҳур бўлиб кетишини истаймиз.

Ниятингизга етинг, йигитлар. Дадангизнинг чироғини ёқиб, унинг қўтуғи ишларини давом эттиришингизда маҳалла аҳли, ҳокимият мададкор бўлади, деган умиддамиз.

Наманган вилояти Косонсой тумани ҳокимлигининг маданият бўлимига қарашли "Косонсой полвонлари" гуруҳи аъзолари Эргаш полвоннинг ишларини давом эттириб, унинг қатта орзуларини амалга оширадиган, ўтганларнинг руҳларини шод қиладиган, албатта! Бу ишда уларга омад ёр бўлсин!

Санъат МАҲМУДОВА

Нима? Қачон? Қаерда?

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ОЙЛИГИ

8 декабр Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишлаб Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтдаги маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари, таълим масканлари, меҳнат жамоаларида ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш ойлигини ташкил қилди.

Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад - хотин-қизлар ҳуқуқий билими ва маданиятини янада юксалтириш, уларни янги қонунлар, фармон ва қарорлар, бошқа меъриёи ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан таништиришдир.

Маълумки, хотин-қизлар мавқеини юксалтириш, давлат ва жамият қурилишидаги фаол иштирокини таъминлаш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлардан бири этиб белгиланган. Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳуқуқий саводхонлик ойлигида соҳа вакиллари, олимлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида дарава суҳбатлари, учрашувлар, анжуманлар, ҳуқуқий билимини оширишга доир семинар-машғулотлар, курик-танловлар, фотокўргазмалар ва танловлар ўтказилади.

Ўз мухбиримиз

САФАР ОЛДИДАН

9 ноябрь куни Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида Ҳиндистонда ўтказиладиган Тадбиркор аёллар халқаро конференциясида Ўзбекистонлик тадбиркор аёллар ҳам иштирок этиши муносабати билан матбуот конференцияси ўтказилди. Унда халқаро конференцияда иштирок этувчи тадбиркор аёллар, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, ҳомиюрлар ҳамда матбуот ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

"Маълумки, 2004-2005 йилларда Ҳиндистоннинг Нью-Дели шаҳрида бўлиб ўтган Тадбиркор аёллар халқаро конференциясида қатнашган юртимиз тадбиркор аёллари намойиш этган юқори сифатли маҳсулотлар барчанинг диққатига сазовор бўлганди. Шундан сўнг Ҳиндистон ва Ўзбекистон аёллар ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик баёни имзоланган эди, деди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари М. Зуфарова. - Бу йилги 14-27 ноябр кунлари ўтадиган конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланиб, ишчи ўринлар яратётган, иқтисодий ривожига ҳисса қўшиб, касаначиликни, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда фаоллик кўрсатаётган 8 нафар тадбиркор аёл иштирок этади.

Матбуот анжуманида сўз олган Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Шарбат Абдуллаева бугунги кунда Ўзбек аёллари нафақат ўз оиласи тақдирини учун, балки мамлакат тараққиёти учун ҳам маъсуллик сезаётганлиги, уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотлар жараёнидаги иштироки қувонарли ҳол эканлигини алоҳида таъкидлади.

Ўз мухбиримиз

КОЛЛЕЖДА АНЖУМАН

Янги ўқув йилида Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида ҳар томонлама қўлайликларга эга бўлган янги педагогика касб-хўнар коллежи ўз фаолиятини бошлади.

Яқинда мазкур касб-хўнар даргоҳида "Баркамол шахс шаклланишида тарбиянинг узвийлиги" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Конференцияда Когон шаҳар ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси - С.Раимова, Халқ маорифи аълоҳиси - Н.Солихўжаева, Республика "Оила" илмий-амалий маркази директори, психология фанлари доктори, профессор - В.Каримова, Республика таълим маркази бўлим бошлиғи, педагогика фанлари номзоди, доцент - Р.Шомаҳмудова, "Оила ва жамият" газетаси бош муҳаррири Д.Саидова, Когон педагогика касб-хўнар коллежи директори, психология фанлари номзоди - Г.Ядгароваларнинг маърузалари тингланди. Анжуман кизгин баҳс-мунозаралар асосида ўтди.

Ўз мухбиримиз

ЎГИЛ-ҚИЗИНГИЗ ТУРМУШГА

Хоразм вилояти "Саломатлик" институти марказининг директор муовини, шифокор Наргиза НАЗАРОВА билан суҳбат.

ТАЙЁРМИ?!

— Сир эмаски, баъзан вояга етмаган қизларни турмушга бериш ҳоллари кўп учраб туради. Бунинг оқибатида вояга етмай туриб турмуш қурганлар азият чекмоқдалар. Шундай эмасми?

— Жуда тўғри. Балоғатга етмаган қизчаларни турмушга бериш, оила қуришга мажбурлаш охир оқибат кўпгина нохуш воқеаларга сабаб бўлмоқда. Ўсмирлик даврида бу қизнинг ҳаётида, руҳиятида, организмидида жисмоний, жинсий ривожланишлар кузатилади. Бу пайтда қизча энди "бола" эмас ва шу билан бирга ҳали "катта" ҳам эмас. Ваҳоланки, унинг ўз-ўзини баҳолаши, қизиқишлари, қадриятлари тўлиқ шаклланмаган бўлади. Жисмоний, маънавий ва жинсий шаклланиб бўлмаган болани оила қуришга мажбурлаш, унга фарзандни дунёга келтиришдек юксак масъулиятни юклаган бўлиши адолатдан эмас. Вояга етмаган қизнинг организми ҳали она бўлишга тайёр эмас, лекин айрим ота-оналар бу ҳақиқатдан кўз юмиб, фарзандини "ўт"га ташлашади. Жисмоний, жинсий томондан шаклланмаган организмда турли жараёнлар юз бериши табиий. Сон суягининг ўсмагани, камқонлик, гигиена қоидаларини билмаслик, укувсизлик панд бериб қўйиши мумкин. Шунинг учун кўпгина қизлар туғруқ пайтида нобуд бўлишади ёки бўлмаса, тўлақонли бола туға олмайди.

Врач бўлганим учун ёрдам сўраб, гоҳо танишларим мурожаат қилиб қолишади.

Туғруқхонага қўшнигининг ёшгина келинчагини олиб бордик. Аҳоли яхши эмас эди. Унинг нимжонлиги шундоққина кўриниб турарди. Юзлари оппоқ, докадек оқариб кетган, лабларида қон йўқ. Келинчак ҳали ўн еттига ҳам тўлмаган экан. Хомиласининг нормал ривожланмаганлиги, камқонлик, зўриқиш оқибатида кўп қон кетган. У жуда оғир аҳволда қолди. Шифокорлар бор куч-ғайратларини ишга солишди, келинчакнинг жони омон қолса-да, у бир умр ногирон бўлиб қолади. Дўхтирлар унга энди фарзанд кўра олмаслигини билдиришди. Қаранг, келинда не гуноҳ? Уни оналик, оила бахтидан ким маҳрум қилапти? Ота-оналар ана шу ҳақда ўйлаб кўришса яхши бўларди. Афсус, бундай воқеалар ҳаётимизда учрамқода. Гулдек умри эрта ҳазон бўлган келинчакнинг кейинги тақдири нима бўлади? Бу ёғи ҳам бор. Туғмайди-кан аёлни на қайнона, на эр яхши кўради...

- Эрта никоҳнинг олдини олиш учун нималарга эътибор бериш керак?

- Энг аввало ота-оналар эрта оила қуришнинг ёмон оқибатларини онгли равишда тушуниб етмоқлари керак. Аксарият ўсмирлар балоғатга етиш сирларини, организмдаги ўзгаришларни билмайдилар. Энг аввало она қизига яқин инсон бўлиши, қиздаги ҳар бир ўзгаришни назорат қилиб, тушунтириб бориши зарур. Ҳар бир ота-она ўғли, қизи билан мунтазам суҳбатлашиб, балоғат даврининг ўзинга хос хусусиятларидан хабардор этиб туришлари керак. Афсуски айрим ота-

оналар эрта никоҳнинг оқибатларини жиддий ўйламасдан, бирор "ният" билан тўй қилишади. Оқибатда ёшлар қийин аҳволга тушиб қолишади. Қиз эса янги оила, янги ҳаётга қўниқолмай узоқ қийналади. Оиланинг ишлари-ю, юмушларини кўнгилда-гидек бажара олмаган келинчак қайнонасида, эридан дашномлар эшитавериб эзилди, шаклланиб келаётган ёш организми ўсиш, ривожланишдан орқада қола бошлайди. Бўлажак она, бўлажак ота ҳар томонлама соғлом бўлсагина, унинг фарзандлари ҳам соғлом бўлади. Оилада соғлом бола дунёга келиши учун онанинг ҳам, отанинг ҳам саломатлиги, руҳий ҳолати жойида бўлиши керак. Қизларимизни оила, турмуш қуришга тайёрлаш, унинг ўзига хос нозик сирларини, ўзини тутиш, муомала муносабатларини мунтазам ўргатиб бориш онахонларимиздан катта масъулият талаб этади. Жисмонан ва маънан тайёр бўлмаган қиз қандай қилиб бола тарбиялайди? Бу ерда нафақат қизлар саломатлиги ёки оиласи тайёрғарлиги масалалари, балки йигитларнинг, яъни бўлажак оталарнинг ҳар томонлама саломатлиги муаммоларини ҳам унутмаслигимиз зарур. Чунки айрим чекка қишлоқларда 17-18 ёшга тўлмаган ўғил болаларни уйлантириб қўйиш ҳоллари учрапти. Баъзан укувсиз, ёш эрини айби билан ўз вақтида шифохонага ётмаган келинлар оғир аҳволга тушиб қоладилар. Қон босими тушиб кетган, ранги докадек оқариб кетган аёлнинг саломатлиги ҳақида

кечагина кўчада ўйнаб юрган 17 яшар йигит нимани ҳам биларди?

Ҳали ақли тиниқлашмаган, она сuti оғзидан кетмаган йигит-қизларни оила кўришга даъват қилиш ота-оналарнинг катта ва кечиб бўлмас хатосидир. Уларнинг ҳали нозик елкаларига оила кўришдек оғир ва улкан масъулиятни юклаган, улардан билмаган нарсаларни талаб қилиш ҳеч бир мантиққа тўғри келмайдиган иш деб ҳисоблайман. Оила қуриш учун ёшларнинг ёши ҳам етган, руҳий ва маънавий тайёрғарликлари ҳам пухта бўлиши лозим. Акс ҳолда кўр-кўрона равишда қизларимиз, болаларимизнинг қотилига айланиб қолиши мумкин, деган фикр кечади ҳаёлимдан. Бунинг касрига ўзимиз—ота-оналар жабр чекмаймизми?

Назаримда маҳалла фуқаролар йиғини фаолларининг аралашуви ҳам бу ишда кўп самара беради. Чунки маҳаллада бўлаётган барча воқеалардан энг аввало маҳалла фаоллари хабардор бўлишади. Тўй қилиб муродга етиш ҳаммага насиб қилсин, бироқ кўр-кўрона равишда болаларимизни қийнаб қўймаслик керак-да.

- Кўпчилик ҳолларда оилаларнинг бузилиб кетишига бир ёқлама қарашади. Ёшлар келишишмади, деган гапларни кўп эшитамиз. Ёки келинни айблаб қўя қолишади...

- Биз қизларни оиласига тайёрлаш тўғрисида доимо куйиниб гапирамиз. Гапиршидан чарчамаймиз ҳам, бироқ ўғил бола тарбияси ҳақида камроқ ўйлапмиз.

Менимча, қиз ва ўғил бола тарбияси ажралмас. Бу тарбия ҳар томонлама бўлиши лозим. Унда ота-онанинг шахсий ибрати билан янада тўқисликка эришмоқ керак.

Ёшларга ҳаётнинг ўнқир-чўнқир жойлари борлигини, турмуш ташвишлари баъзан бешафқат эканлигини тушутирмоғимиз керак. Қачонки, уларга сабр-тоқатдан, иймон-этиқоддан, меҳр-муҳаббатдан сабоқ берсак, эртага мевасини ўзимиз кўраемиз.

Кўпчилик ўзбек оилаларида бири анъана бор. Қизи 17-18 ёшга тўлиши билан ташвишга тушади. Яхшироқ жой чиқа қолса-ю, узатиб юборса, ундан қутилса. Бироқ ўғил болаларга бошқача қарашади. Таълим учун, ҳунар эгаси бўлиши учун маблағни ўғил болалари учунгина сарфлашади. Шунинг учун ҳам ишсизларнинг 62 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади. Эрта турмушга бериш қизларга таълим олишни давом эттиришга, биронта хунарнинг эгаси бўлишга ҳалақат беради. Бу эса келиннинг имкониятларини чеклайди. Янги оилада у боқиманда бир кишига айланади. Келиннинг уй-рўзгор-юмушларини бажо келтириши, кир ювиши-ю овқат пишириши, бола тарбиялаши ҳеч нарсага арзимайдиган ишдек кўринади, кўпчилик учун. Аслида-чи? Бу ҳақда ҳам жиддий ўйлаб кўрадиган вақт етди чамамда.

- Мазмуни суҳбатингиз учун ташаккур.

Дилбар БЕКЧАНОВА, Хоразм вилояти.

ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Дилкаш ва беминнат суҳбатдошингиз — «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» газетасига 2008 йил учун обуна бўлишни унутмадингизми?

Обуна индекси: жисмоний шахслар учун—176. Корхона ва ташкилотлар учун—177.

СИРДОШИМСАН, «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»!

Газетанинг ҳар бир сонини орзиқиб кутамиз, давраларда қизиқиб ўқиймиз. Жойларда нотик сифатида ўтказган суҳбатларимда газетанинг ёритилган мазмунли материаллардан кенг фойдаланаман. Ўзим ёзган мақолаларим вақти-вақти билан газета саҳифаларида ёритилиб борилаётганидан чексиз хурсанд бўламан. Газета таҳририятининг биз жамоатчи мухбирларга бўлган эътиборидан жуда мамнуним.

"Оила ва жамият" газетасига бошқа газеталардан фарқ қилади, унда одоб-ахлоққа, таниқли кишилар ҳаётига оид материаллар кенг ёритилапти. Айниқса, газетанинг берилган эълонлар орқали танишиб, оила қураётганларнинг қувончлари чексиз. Бир сўз билан айт-

ганда энг савобли ишларга қўл урган ҳам шу газета.

Менга газетанинг 42-сонидида "Отанинг юрагига қўмилган", "Эр-хотинлар тоифаси", 41-сонидида "Она фарёди", "Пушаймонман" мақолалари жуда ёқди. Шундай мақолалар кўпроқ ёритилишини истардим.

Мана, газета ва журналларга 2008 йил обунаси ҳам қизгин давом этмоқда. Мен "Оила ва жамият" газетасига биринчилар қаторида обуна бўлдим. Барча юртдошларимизни шу газетани обуна бўлишга чақираман.

Раънохон ЖУМАНИЕЗОВА, Андижон вилояти, Маънавият тарғибот маркази Булоқбоши туман бўлими раҳбари.



Ушбу саҳифа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Оналик ва болалик муаммолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар»

Ривоят қилишларича, бир ўғри катта бойнинг уйига ўғриликка тушибди. Ниша эканлигига қизиқиб ялаб кўрса қотиб тошга айланган туз экан. Ўғри бироз ўйланиб қолибди ва халтасига жойлаб олган нарсаларни тўкиб, қайтиб чиқиб кетибди.

Атайин ўғриликка тушиб, олган нарсасини ташлаб чиқиб кетишига сабаб - ўғри билмай туз ялаб қўйиб шу ўзининг меҳмони бўлиб қолган экан. Қаранг, кимсан ўғрининг нафси (!) эътиқодидан, ғуруридан устун кела олмабди! (Хар қалай диёнати экан...)

Доно халқимизнинг: "Бир кун туз ичган жойингга қирк кун салом бер", деган нақли бор.

Улуғ даҳо Жалолiddин Румий: "Му- сулмон бўлиш учун минг йиллик йўлни босиб ўтиш керак. ОДАМ

она, тўғри йўл кўрсатувчи бўлса, деб ният қилади. Дилдан чиққан эзгу, пок ният ҳам одам даражасига етишишга олиб борадиган йўл.

Яна бир бошқа тоифадагилар эса келин хизматини қилсин, мол-мулк билан уйимни тўлдирсин, хар ҳафта уйдан тоғора-ю, йўқловлар келсин, мени, ўғлимни, невараларимни (хар хил тўйлар, маросимлар баҳонасида) таъминласин. Хуллас, бировнинг ҳисобидан "орзу, ҳавас кўрай" деб ният қилар экан.

Шунинг учун ҳам шундай тоифадагилар совчиликка боришганда уларни қизининг олган тарбияси, унинг қалби, эъёиси умуман қизиқтирмайди. Уларни қизиқтирадиган нарсаси: қизнинг уй-жойи, ота-онасининг маънави, унинг бой-бадавлатлиги, орзу-ҳаваслики, йўқми ва ҳ.к.

Агар хонадон эгасининг туриш-турмуши ёқмаса орқасидан албатта: "Уйини таъмирлаб қўйса бўлмайми? Дастур-

Биз аёллар йигитларимизни қандай тарбияляяпмиз? Бировнинг ҳисобидан орзу-ҳавас қилман деб, йигитларимизни бебурд қилиб қўймаётибмизми? Хар қандай орзу-ҳавасингиз бўлса қилинг, — фақат бировнинг ҳисобига эмас! Бу таъмагирлик ҳисобланади.

Мен гувоҳ бўлган бир воқеа: келиннинг бўйида бўлиб, касалхонага ётқи-зишга тўғри келиб қолди. Дўхтирлар билан гаплашиб, ётқи-зишни ваъда қилан кўёв жим-жит. Сабаби сўралса: "Ойим айтдилар, мен эмас, қизининг ота-онаси касалхонага ётқи-зиши керак экан", деб хотинига жавоб берган. Ўқимишли, бўлажақ педагогларга дарс берадиган аёл сарф-харажатдан қочиб, бу нарсани ҳам қизининг ота-онаси ел-қасига ташлаб, ўғлини кимга айлан-тириб қўйди?! Албатта, эркак кишига эмас! (Бундай йўлдан юришдан худо ас-расин!)

МУЛОХАЗА- МУШОАДА- МУНОЗАРА.

ман"лик, бу риё...

Тошкентдан бошқа вилоятларда уйланадиган йигит ҳамма нарсани ўзи қилади. Мебел ҳам, қиз томон ўтқа-задиган тўйни ҳам, ҳатто тилла тақин-чокларигача... Чунки у ўз боғига Гул олиб келаяпти-да! Келиннинг отаси ўзига тўқ бўлиб, бадавлат бўлса ҳам қизига мол-мулк қилмайди чунки... бу нарсаси уларнинг дафтарида ёзилмаган! Бир вақтлар бизнинг дафтаримизда ҳам ёзилмаган эди, лекин кимдир ёзишни бошлаб, қолганлар йилдан-йилга тўлдирверди. Қарабсизки, дафтар тайёр, энди мана, деб юзингизга бешик тўйи, ўғил тўйи, хайит йўқлов деб уришаверади. Наҳотки энди туғилган гўдакка ҳали юрмаси-данок бутун дўконни кўчириб олиб келиш шарт бўлса?! Ҳали нафасининг ростламасданок ўғил тўйига ҳаракат бошласангиз, орзу-ҳаваслар

МЕХМОН ОДАМ

"даража"сига етишиш учун яна минг йиллик йўл бор", деб айтган гаплари бор экан. "Бир пиёла чой ёки бир тотим тузга бу ҳикматнинг нима алоқаси бор?" дейиш мумкин. Уйлайманки, алоқаси бор. Чунки биз яхшими, ёмонми йўлдамиз. Йўлда эканмиз, одам даражасига етишиш йўлидан кетаяпмизми, ёки қалбимизни турли хил нафус ҳавасларга ўраб ташлаб, диллимизни қотириб (Устирмагандан кейин қотади-да!) ғарибу нотавон қилиб қўйганимизча яшаб, умрни бой бермаяпмизми? Биз шулар ҳақида ўйлашимиз керак, ўзимизга ўзимиз баҳо бера олишимиз керак.

Улуғларнинг айтишича, очик, беғу-бор қалби, гўзал хулқ, одоб эгаси бўлиш одам даражасига етишишда бир қадам. Илм-хунар эгаси бўлиб, ҳалол яшаш, бу ҳам бир қадам. Ўз-ўзини англаш, ўз нафсини енга олиш, ўз-ўзини такомиллаштириб бориш - бу ўн қадам!

Биз қандай ижтимоий воқеликда, яшамайлик, ўзаро қандай муносабатда бўлмайлик, биз яшапмиз, йўлда кетаяпмиз. Шу билан бирга инсон нафақат табиатнинг, балки ижтимоий ҳаётнинг ҳам маҳсули эканлигини англай олишимиз керак.

Ўзбек урф-одатлари, анъаналаридан совчи бўлиб бориш, совчи қутиш, ўғил уйлантириш, қиз чиқариш, тўй қилиш - булар ҳам ижтимоий воқеа-лигимизнинг кўринишларидан. Лекин урф-одат деб биз анъаналаримизни бузиб қўймаётибмизми, маънавия-ти-миз оёғига болта урмаётибмизми? Мана шундай ижтимоий таъсирлар натижасида фарзандларимиз қандай "шақлланаяптилар"? Худди ана шулар ҳам бизнинг қандай йўлдан кетаётганлигимизни белгилай олади. Агарда кетаётган йўлимизни йилдан-йилга авж олаётган янги урф-одатларимиз билан боғлаб таҳлил қилсак, бунинг "бир пиёла чой" ва "бир тотим туз"га алоқаси жуда катта эканлигини билиб оламиз. Гапни совчиликдан бошласак. Қиз бола бор уйга совчи келади. Халқ тили билан айтганда шох ҳам келади, гадо ҳам келади. Совчиликнинг ҳам ўзига яраша одоби бор. Ҳозирги замонда теле-фон деган яхши алоқачи бор. Аввал ўй эгаси билан гаплашиб, унингга келсак майлими, деган илтимос билан мурожаат қилиниши керак, деб ўйлайман. Лекин телефонда совчи бўлиб эмас, терговчи бўлиб қизин-гизни, ўзингизни, дадасини суришти-раётган аёлларимизга қандай баҳо бериш керак?

Хар ким хар хил ниятда совчи бўлиб келар экан. Кимдир зиёли, мадани-ятли келин олсам, ўғлимнинг ҳаёти-ни безай олсам, невараларимга яхши

хонга ёпган нон қўйди, патир нон қўйса бўлмайми, дастурхонлик эмас экан?!" ва ҳ.к. каби гаплар-ни гапириб, хонадон эгасининг шаънини ерга уришади. Мана сизга "бир пиёла чой" ва "бир тотим туз"нинг хурмати! Ривоятда-ги ўғрининг маънави буларники-дан баланд! Бу кетишда бундай одамлар албатта "икки минг йил-лик йўл"ни босиб ўтиш у ёқда тур-син, "бошқа жойга" олиб боради-ган йўлда кетаётган бўладилар. Энди иккинчи масалага ўтсак... Айтилайик, сиз ўз хонадонингиз-да гул ўстирдингиз.

Гулингиз дарагини эшитиб, харидор-боғбон чиқди. Боғингизда ўсаётган гулни олиш учун боғбон анча-мунча жон койитиши керак. Лекин, ҳозирги "боғбон"лар жон койитмаси-да, индамай олиб кет-са. Бунинг устига сизнинг зимман-гизда нафақат гулнинг ўзини, унга керак бўладиган ер, сув, ўғитлар ва бошқа, бошқаларни ҳам бериш масъулияти юкланган. Ҳамма вақт ўзингиз иссиқ-совуғидан бохабар бўлиб туришингиз, бировнинг ерида ўзингиз парваришни давом эттиришингиз керак.

Ҳам жонинг, ҳам молинг, деган-ларидек, ўғил уйлантириш эмас, қиз узатиш ота-онанинг зиммаси-га оғир юк бўлиб тушаёпти. Бе-чора ота-она қиз узатгандан кей-ин ҳам тинчи йўқ. Бешик тўйи, ўғил тўйи деб аталадиган орзу-ҳавасли маросимлар қизнинг ота-она-си зиммасида. Яна талаб қилинади: ун-дай бўлсин, бундай бўлсин, деб.

Икки ёш турмуш кураётганда никоҳ ўқилади. Никоҳ шундай муқаддас нар-саки, минг афсус, буни нафақат ўғил-қизларимиз, балки биз катталар ҳам яхши англай олмаймиз.

Бир оғиз "қабул қилдим" деган сўзининг тағида бир дунё маъно ётиб-ди, йигит худонинг олдига сўз бера-япти. Бутун вужуди, қалби билан қиз-ни "қабул қилдим" деб. Шу билан у ўз зиммасига ҳамма нарсани олади. Ҳам-ма нарсаси мебель бўладими, боласига керакли нарсалар бўладими ва ҳ.к. Қандай қилиб бу нарсалар қизнинг ота-онаси зиммасига тушиб қолди? Энг дахшатлиси - ҳозирги кунда шу нар-саларнинг талаб қилиниши, мажбур, шартликка айланиб қолганлиги! Кўёв томонининг (минг бор уэр, ўзининг ориятини, йигитлик ғурурини билади-ганларга бу гап тегишли эмас!) тан-гайини шу нарсалар билан кўтарилиб қолганлигидир. Мана, бизнинг урф-одатларимизнинг бузилиши, маънави-ятимиз оёғига болта урилиши! Исло-м динида эса бундай воқелик харом ҳисобланади.

✓ **Ўғри билмай туз ялаб қўйиб...**

✓ **Инсон нафақат табиатнинг, балки ижтимоий ҳаётнинг ҳам маҳсули.**

✓ **Совчиликнинг ҳам ўзига яраша одоби бор.**

✓ **Гулингиз дарагини эшитиб, харидор—боғбон чиқди.**

✓ **Қиз узатиш ота-онанинг зиммасига оғир юк бўлиб тушаёпти...**

✓ **Биз аёллар йигитларимизни қандай тарбияляяпмиз?**

✓ **Бу урф-одат эмас, бу маънавиятимиз бузилиши, бу «манман»лик, бу риё...**

"Оч баччағардан - қоч баччағар", дей-ди халқимиз. Бу ерда очлик маъносини кўзи очлик маъносига ишлатилаёпти. Сиз қудангизнинг (албатта агар кўзи оч бўлса) "оғзини юмиш" учун ўзин-гизни фидо қилсангиз ҳам камлик қилади. Чунки, Юсуф Хос Ҳожиб кўзи суқ одамлар ҳақида "оламни олсам ҳам бари бир гадои" деб айтганлар. Ле-кин ўзим ҳам бир хил вақтда ўйлаб қоламан, нима, ҳақиқатан ҳам ҳамма-миз очмизми? Меҳмон қутиш майли, ўз ўйлига, меҳмонга борсак ҳам тоғора. Йигирмата одам борса йигирмата то-ғора! "Қудаларниқига тоғора кўтариб бормасангиз - уят!" Тоғора - бу биз-нинг маънавиимиз, обрўимиз...

Мен бир нарсасига ҳеч тушунмайман: эски урф-одатларимиз бўйича кўёв то-мон қиз томонга тўй юборади. Бу — қиз томон сарф-харажатини кўёв томон кўтаради, дегани. Ахир гул олишяп-ти-да! Лекин кимдир бу одатни бузган ҳолда, қиз томон ҳам қайтаришини ўйлаб топган: Норинга норин, сомсага сомса ва ҳ.к. Бунинг устига битта тоғо-ра ортиқ жўнатишадиган бўлди, энди эса иккита тоғора, балки бундан буён яна ортар? Бу урф-одат эмас, бу маъ-навиятимизнинг бузилиши, бу "ман-

яна сизнинг зиммангизда. Ўзи энди тўйдан қутулиб улгурмаган ҳам эдингиз, хайит тоғоралари... Биз-нинг нафсимиз тўядими? Бу дунёга шу нарсаларни кўз-кўз қилиш учун ёки бўйни-мизга мажбуриятни юклаб, ўзимизни қийнаш учун кел-ган эканми? Наҳотки ИН-СОНдек буюк зотнинг кадр-қиммати фақат шу нарсалар билан ўлчанса, шу нарсалар орқали ҳурмат қилинса? Бу не шармандалик!

Энди, энг катта масала ҳақида озроқ тўхталиб ўтсак: умр йўлдош танлаш масаласига.

Худо бандасига айтар экан: "Мен Сенинг қалбин-гдаман, Мен Сенинг олаёт-ган нафсингман, хар доим Сенга йўл кўрсатиб тура-ман-у, лекин, Сен нафсин-га, ҳаёлингга қулоқ сол-сан. Оқибатда тўғри йўлдан адашиб қолсан. Нафсин-га, ҳаёлингга эмас, Менга-Қалбингга қулоқ сол!".

Қалбингиз сизга бир ни-мани айтаётган бўлса-ю, Сизнинг нафсингиз ҳаё-лингизни бошқа жойларга учуриб кетса.

Йигитларимизга ҳам, қиз-ларимизга ҳам шу нарсани тилардим. Уртага ҳеч қачон

нафс, ҳаёл тушмасин. Ҳаммаша қал-бингизга қулоқ тутинг. Қалбингиз ҳеч қачон алдамайди!

Бунинг учун эса биз фарзандлари-мизга аввало маърифат нурини бера олишимиз керакки, бу нур уларни ҳаммаша тўғри йўлдан бошласин.

Биз бу дунёга меҳмонмиз. Биз бу дунёга шунчаки яшаш-чун келмаганмиз. Биз ваъда бериб келганми. Фақат уни унутганимиз холос. Биз қулфлог-лик қалбимизни очиб ўчун келганми.

Тўй қилиш яхши нарсаси. Ҳаммага ҳам буюрсин. Лекин гўзал нарсасига хунук нарсани аралаштирмайлик. Гўзалли-гича қолсин. Ота-боблар урф-одати-ни бузмайлик, маънавиятимиз, мада-ниятимиз бўлиб қолсинки, фарзанд-ларимиз ҳаётига маъно олиб қирсин. Илм-маърифат, эъёни устун деб би-лайликчи, молпарастлик, риё, кибр, мақтанчоқлик бизни бошқа йўлга чор-ламасин.

Бу дунёга меҳмон эканмиз, меҳмон бўлишлик одобини сақлайлик. "Икки минг йиллик йўл" устида ҳеч қабқа оғишмай юриш ҳаммамизга насиб этсин!

Олдузхон АМИРҲОЖОНОВА,
Тошкент шаҳри,
Яккасарой тумани.

БОШҚАЛАР АДАШМАСИН, ДЕБ...

Тахририятга етмиш ёшлардаги нуроний отахон кириб келди. Хол-аҳвол сўрашгач, таширф сабабини сўрадим.

- Қизим мен бир хато қилганман шунинг жабрини тортяпман...

- **Қандай хато экан?**

- Оилада кўпчилигимиз, олти ўғил бир қиз фарзандим бор. Яратганга шукр ҳаммасини уйли жойли қилганмиз. Кўп йиллар мактабда ўқитувчилик қилганман. Фарзандларимизни уйлаб-жойлаб бўлгач бир-биримизга суянишиб, роҳатда яшаймиш деганда завжаи ҳалололим рихлат қилди. Набиралар куршовига мени ёлғиз ташлаб кетди. Юрагим зардобга тўлганда ҳамсуҳбат бўлиб кўнглимнинг кўтаргучимдан айрилиб қолдим...

- **Фарзандларингиз бемехр чиқдимми?**

- Йўқ, ҳаммалари мени ҳурмат қилади, ўқимишли, зиёли бўлиб тарбия топшиган, лекин бир фарзандимнинг ҳаёти кўнглидагидай эмас.

- **Фарзанди йўқми?**

- Бор. Уч нафар мунчоқдай қизлари бор. Ўғлим ўзи нуфузли ташкилотда ишлайди. Шу болаамга меҳрим бўлакча эди. Яхши оила қизларидан келин қилиш ҳаракатида юрган пайтимиз, яқин қариндошимиз маҳалламиздаги бир қизни тавсия қилди. Онаси билан маслаҳатлашиб кўрсак, бир чиройли қиз экан, тарбияси ҳам ёмонга ўхшамасди. Отаси мен билан кучоқ очиб кўришадиган кадрдонларимдан эди.

Хуллас ёшлар бир-бири билан учрашгач, нон ушатилди. Бир кунни куда бўлишимнинг ён қўшниси келиб у қизни келин қилмаслигимизни, ота-онаси жуда ёмон одамлар эканлигини айтди.

Жаҳлим чиқди. Бир маҳаллада туриб дўст-қадрдон бўлиб юриб уларнинг ким эканлигини билмасам мен бу ишга қўл урмасдим, деб у аёлни қораладим. "Кўп

одам шундай деяпти отаси, тўйни тўхтайтилик-ми"? деган бечора хотинимни ҳам роса уришдим. Тўй бўлиб ўтди. Орадан йиллар ўтиб қиз набиралик бўлди. Келинимнинг ҳамма найранги бошқа уйга кўчиб ўтганидан кейин бошланди.

- **Сизларни ҳурмат қилмай қўйдими?**


- Майли, биз биридан ҳурмат кўрмасак бошқасидан кўраримиз. Боламини менсимай қўйдим. Ўғлим ишдан кеч қайтгани учун, ўзи ва икки қизчасига етулик бирор нарса пишириб еб оларкан. Ўғлим ишдан келиб ейишга нарса сўраса, "Ярим кечада уйга келган одам қорини тўйгазиб келади-да" деб бақирар экан. "Ишласам топганимни уйга ташияпман, онамникига олиб бориб бераётганим йўқ-ку" деса, уйқумни бузмасдан боринг отангининг уйига менга ҳеч нарсангиз керак эмас, деб бобиллармиш.

- **Қудангиз билан маслаҳат қилиб келинни йўлга солишга ҳаракат қилмадингизми?**

- Йўлга солиш у ёқда турсин қизини бир тарсаки ургани учун қайнонаси ўғлимни роса дўппослабди. Онаси тенги аёлга қўл кўтармай деб ўғлим индамай тураверибди.

- **Шундан кейин ажраб кетишдингизми?**

- Онаси раҳматли "ажрабти олайлик, болалари доим биз билан-ку ўзимиз катта қиламиз", деб ялинди. Кўнмадим, тирик етим қилайман сен ҳар кунни уйига бориб келинни инсофга чақирасан, мен ўғлинг билан жиддий гаплашаман, деб хотинимни кўндирдим. Шўрлик онаси касал жони билан ҳар кунни ўғлимнинг уйига қатнади.



ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

- **Бирор натижа чиқдимми?**

- Йўқ. Болалари учун олиб келган егуликларни кўчага олиб чиқиб сотаётган хотинини кўриб қолган ўғлим "Энди бирга яшамайман" деб туриб олди. "Мард бўлсанг қизимнинг жаवобини берасан", деган қайнонасига ўчакишиб "Қизингиз уч талоқ", деб ўғлим ҳамма нарсани ташлаб уйдан чиқиб кетди.

- **Болаларининг тақдирини, улар нима бўлади?**

- Қонуний йўл билан ажрим қилинди. Набираларим катта бўлиб қолди, кераклик ҳамма нарсасини олиб берамиз. Бувилари оламдан ўтганига тўрт йил бўлди. Уларга сарпо қила бошлаган эди раҳматли.

Мен катта хато қилдим, ҳеч кимнинг сўзига қулоқ солмадим. Ота-онасини, қизни яхшироқ суриштирмай тўй қилишга шовшиб қилган қароримдан бир ўзим жабр тотсам майли эди. Беғуноҳ набираларимнинг ҳам кўнгли ярим бўлиб қолди. Менинг бошимга тушган савдолар бошқаларнинг бошига ҳам тушмасин, менинг қилган хатомим одамларга сабоқ бўлсин деб бу ерга таширф буюрдим...

- **Инсон билиб-билмай хато қилади. Эҳтимол бу қисматнинг ишидир. Батзида катталар ҳам хато қилиши мумкин эканлигини тан олгимиз келмайди.**

"Кўшнига айтсанг кўшади, овулга айтсанг ошади" нақлига амал қилиб яқинлари билан бемаслаҳат иш тутадиган, айниқса, умр савдоси бўлган ўғил уйлантириш ва қиз чиқаришда шовша-шовшарликка йўл қўядиган одамларга отанинг дил изтироблари сабоқ бўлади, деган умиддамиз.

Сиз нима дейсиз азиз ўқувчи? Мунаввар УСМОНОВА

Тушга яқин хонамга ҳассога суяниб бир аёл кириб келди. Сўрашгач, сумкасидан олган пиёласига сув кўйиб ичди.

- Узр, тўртинчи қаватта чиққунча чарчаб қолдим. Эҳ, илгари бунақа зиналардан югуриб чиқиб юрардим. Исмиим Зумрад, - дея гап бўшлади. - Мен Самарқанд вилоятидан келдим. Юрагимдаги бир оғриқ, аламини унутай дейману, сира унута олмай қийналиб кетдим. Яшайдиган жойимизда анчагина таниқли одамларимиз. Кўпчилик

етганидан хурсанд эдим. Энди эримнинг уй-рўзғори ташвишлари билан яшар эдим. Лекин, Оллоҳ менга бу бахтни кўп кўрди. Қизалоғим қутилмаганда вафот этди. Мен гапга ботдим. Қўлим сира ишга бормасди. Кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ишлайдиган мендек аёл бир чойнак чойни ҳам дамнашга қўлим бормай, кеч-гача ўтирадиган бўлиб қолдим. Бу эса эримнинг оиласига ёқмади. Хуллас, ажрашиб кетдик. Отамнинг уйига келганимдан сўнг бошимизга ташвиш тушди. Отам автохаллоқка учраб, бир йўловчи қизинг

- **Сиз бўлиб истамасдингизми?**

- Кўпроқ укаларимни уйлардим. Уларни бирин-кетин уйлантирдик. Мен отамнинг ёнида туриб, тўйга бош-қош бўлдим. Хуллас, ҳаётимиз яхши, анчагина даромадимиз, етарли пулимиз бор эди. Укаларимнинг учовига машина олиб бергач, ўзим ҳам ҳайдовчиликка ўқидим. Навбатим келиб "Ласетти" машинасини сотиб олдим. Отам машинани менинг номига расмийлаштириб берди. Менга атаб уй кўрди. Лекин мен укаларимдан ажралишни истамасдим. Вақти келиб аввал отам,

ларни олган эканман.

- **Шундан сўнг яхшилаб довландингизми?**

- Кеч бўлса-да, муложани бошлашди. Лекин жуда қийналиб кетдим. Бир йил таханинг устида ётдим. Укалардан танам илматешик бўлиб кетди. Бир неча ой ўтган, аста-секин ҳасса билан юра бошладим.

- **Ўтиб қолганингизда сизга яхши қарашдими?**

- Ҳа, албатта. Келинларим барака топшисин. Лекин... Яқинда бир воқеа бўлди. Ана шундагина турмушга чиқиб кетмаганимга, оила

- Айтдим-ку, отам мен учун қурган, менинг ноимда бўлган уйни укамга бергандим. У яйраб яшасин, - дея шундай қилгандим. Энди бўлса, ўз уйимга ҳам хўжайин бўла олганимга қўйдим. Деворларига отамнинг қўли теккан уйни бировга берардимми? Укам: - "Сизга шунча қараб, парвариш қилганимизга шукр қилсангиз-чи! Бу аҳволда кимга ҳам керакмас, бизга бош оғриқ бўлдингиз-ку! Одамлар ўз ота-онасидан ҳам кечиб кетишяпти, биз бўлса сизни шунча пайтдан буён қараб келдик", - дея бақирарди. Ахир топган пулларимни санамай шу укаларимга олиб келиб берардим-ку. Шуларнинг қийналишини уйлаб, турмушга чиқмагандим... Энди бўлса бирорта "Қариялар уйи"га бориб жойлашиш ниятига тушиб қолдим... Укамнинг дилгизга наштардек ботган сўзларини унута олмаяпман.

Зумрад опа гапириб бўлгач, ҳассосани қўлга олди-да, хайрлашиб чиқиб кетди.

Укаларига гапхўр бўлган аёл наҳотки ногирон бўлиб қолганида керакмас бўлиб қолган бўлса? Агар уларни таниганимизда шундай деган бўлардик.

- Отангининг бағри кенг ва меҳрибон экан. Ногирон бўлганда аввалгидан кўра икки баравар кўпроқ меҳр беришингиз керак эди. Бор умри, бахтини сиз учун қурбон қилган экан, ташлаб қўйишга ҳақингиз йўқ. Отангиз яхши кўрган, отангизнинг чирқиратманг, у оғриниб сизни қарғамасин. Ҳали ҳам кеч эмас, уйлаб кўринг! Қандай бўлмасин, отангизнинг кўнглини олинг, узр сўранг. Токи у сизнинг хатоларингизни кечирсин.

ГУЛБАШАКАР

КЎНГЛИМ ОФРИДИ...

нинг бизга ҳаваси келади. Шу боис ҳеч кимга бундоқ ёрилиб сўзимни айта олмайман ҳам, - деди у тушиб кетган ҳассосани стулга суяб қўяркан.

Бошимдан кўп нарсаларни ўтказганман. - Агар вақтингизни олмасам...

- **Бир бошдан гапиринг-чи.**

- Мактаб давридан бошлаб уй-рўзғор ишларини қўлимга олгандим. Ота-онамга фақат уйда эмас, балки, даладаги ишларда ҳам асосий ёрдамчи эдим. 80 сотих еримиз бор эди. Шу ерга экин экардик. Мен эса ёлланган одамлар билан ишлаб, экинларга ишлов берардим. Меҳнатимиз боис ҳаётимиз яхши эди. Ҳали мактабни битирмасамдан, уйимизга совчларид келарди. Мен эса ота-онамни иложсиз қолдириб кетгим келмасди.

- **Кейин-чи?**

- Шундай қилиб бир кун турмушга ҳам чиқдим. Вақти келиб бир қиз кўрдим. Оналик бахтига

ўлимга сабабчи бўлиб, қамалиб кетди. Ташвишлар билан бўлиб, ишларимиз ҳам ўлда-жўлда қолиб кетганди. Ҳамиша мўл-қўл бўлган рўзғоримизда танглик бошланди.

- **Еримиз бор дегандингиз, нега экин экмадингиз?**

- Картошка пиёз, помидорларга вақтида ишлов берилмагани учун ҳаммаси қуриб кетди. Амаллаб қишдан чиқдик. Кейин ёнимга бир нечта ишчиларни олиб, картошка эждик. Уруғликни қарзга олгандим. Ҳосилимиз яхши бўлди. Қарзлардан қутулиб, машина сотиб олдик. Кузги қартошқамиз ҳам роса мўл бўлди. Хуллас, хўжаликни ўз қўлимга олдим. Вақти-вақти билан отамнинг олдига ҳам бориб турардим. Шу йили яна битта "Дамас" сотиб олдик. Мен энди турмушга чиқиб уйлашга, ишга берилиб кетгандим. Укаларим ҳарбий хизматга кетганларида ҳар у ойда бориб хабар олиб турардим. Ниҳоят, отам ҳам уйга қайтди. У менинг ўзим билганимни орузу қиларди.

сўнг онам вафот этди. Мен эса уч укам ва бир синглимга бош-қош бўлиб қолдим. Далага эрта кетиб, кеч келардим. Фалокат оёқ остида дейишгани рост экан...

- **Нема бўлди?**

- Бир кун ёмғир ёғиб турганди. Ховлига сўнгдан тойиб йиқилдим. Чаққанча йиқилмадим, қўлимдаги човғум билан ўтириб қолдим. Эртасига эса яна бозорга чиқиб, савдо-сотигимни қилиб юраредим. Кейинчалик бармоқларим шиша бошлади, оғриқ оёқларимда ўтди. Сўнг белим симилаб оғриқ бошлади. Хуллас, кунларнинг бирида бир оёғим билан қўлимни ишлаша олмай, ётиб қолдим. Шифокорларга олиб боришди. Уч ой бир жойда, яна уч ой бошқасида довландим. Хуллас, тўққиз ой ўтгангина бир табиининг тавсияси билан белимни УЗИГА ташвирдик. Маъълум бўлишича умуртқа поғонам синиб, йиринглаб кетган экан. Мен эса тўққиз ой давомида керакмас муолажа-

қуриб, фарзанд кўрмаганимга пушаймон бўлдим.

- **Сабаби нима?**

- Укам менга сихаттоҳга дам олиш учун йўлланма олиб келганида жуда хурсанд бўлгандим, лекин келганимдан сўнг қон йиғладим...

- **Шунчалик йиғлатган нима эди?**

- Уйга қайтганимда укам қандайдир ҳужжатларни кўрсатди. Шуларга қўл қўйиб бердим. Кейин билсам бу "Ласетти" машинанинг ҳужжатлари бўлиб, у мен довланаётган пайтимда машинамини сотиб юборган экан. Мен укамга ундан қаттиқ хафа бўлганимни, энди уйни сотишимни айтдим. Шунда мен билган меҳрибон укамнинг юзи газабдан хунук бўришиб кетди. Ҳанги оқариб, тили айланмай қолди.

- **Қ-қани-и, сотиб кўр-чи? Қўчага итдек ҳайдаб юбормай тагин,-**

дея ўшқирди.

- **Уй кимники эди?**

“Тарбия ўчоғи қайда”, -41-сон

ЭСЛАТМА: Ҳар бир ота-она фарзандининг яхши инсон бўлиб етишишини устайди. Тарбиянинг ўчоғи оилада, мактабда, маҳаллададир. Бироқ фарзанди тарбиясига бефарқ ота-оналар ҳам борда. Шундай экан, сиз-чи, азият юрмоғи, фарзандингиз қандай тарбия топаётми, ана шунга эътибор қилаёйсизми?
Муаллиф: Саломат Маматкулова

ТАРБИЯГА БАРЧА МАСЪУЛ

Баъзи ёшларнинг тарбияси ачинарли аҳволда эканлигини Саломат опа ўз мақоласида бир неча мисол орқали яққол очиб бера олган. Афсуски, шу мисоллар қаторига ҳар бир муштарий ўн талаб ҳаётий мисол қўша олади... Чиндан ҳам бу жуда ачинарли ҳол. Лекин ундан ҳам ачинарлиси, нафақат ёшлар, балки айрим катталарнинг ҳам ахлоқи шунчалар бузуқ-ки, ҳайратдан ёқа ушлайсан...

...Мен ҳозир бир банк идораси билан ҳамкорлик қилаётганим учун у ердаги хизматчиларни анча яхши таниб қолдим. Мадина исмили ҳисобчи қиз бор. Кўринишидан ўртаҳол оиланинг фарзанди. Маошидан оз-оз йиғиб, умридаги биринчи қўл телефонини сотиб олиб, шодлиғини ҳам-касблари билан баҳам қураётганининг гувоҳи бўлувдим. Атрофдагилар телефон қандай русумдалигини муҳокама қилиб, уни қўлма-қўл узатишаётганда, телефон тўсатдан ўчиб қолибди. Гап нимадалигини тарбия билан аниқлашаётганда йўлакда бошқарувчи кўринибди-ю, ҳамма шоша-пиша жой-жойига тарқалибди. Бошқарувчи 50 ёшлардаги қаттиққўл, жиддий инсон, қатъий оҳангда ҳозирги шовқиннинг сабабини сўрабди. Мадина гап нимадалигини тушунтириб, уэр сўрабди. Шунда бошқарувчи Мадина телефонини олиб, унинг хонасига киришини буюриб, ашиқни ёпибди. Мадина бошқарувчи хонасига кириб кетибди. Бошқарувчи қизнинг қўлидан телефонни олиб, қандайдир тугмачаларни босган экан, телефон ишлаб кетибди. Бошлиқ:

- Ана, бўлди, жоним, шунга шунча ташвишми? -дебди-да, кутилмаганда олдида турган қизнинг белидан ушлаб, юз-кўзи аралаш ўпа кетибди. Қиз бечора типирчилаб, унинг қучоғидан чиқай деса, у: “Ҳинг десанг, шармандангиз чиқазаман. Ҳам ишингдан, ҳам обрўйингдан айрилмасан!” деб қўқиртармиш... Содда қиз тишини тишига қўйиб чидаган экан, аммо бир маҳал бўйнида эркекнинг сўлагини ҳис этиб, шунчалар жарқанибди-ки, қандай додлаб, бир поёк туфлисиз қандай хонадан отилиб чиқганини ўзи

ҳам билмай қолибди... Ҳўш, бундай эркеклар ўз фарзандларига қандай тарбия бера олишади? Унинг ўғли 17 ёшга кирар-кирмас, оила қурмай туриб ота бўлган, ҳозир ўша қизи 11 га қадам қўйган, хияним билан бир синфда ўқийди. Синф раҳбари болалардан келажақдаги орзулар ҳақида ёзишларини сўраган экан, ўша бадном оилада тарбия қўраётган қизча, “Мен келажақда актриса бўламан ва фақатгина эротик фильмларда суратга тушаман. Чунки, биринчидан, бундай фильмларни дадам севиб томоша қўладилар, иккинчидан, эротик сахналар учун актрисаларга катта гонорар тўлашар

ўтиб эрмакка айланган қиз маҳаллада овоза бўлиб кетди. Ачинарлиси эса, ҳеч ким очикчасига қизга ёки унинг ота-онасига ҳеч нима демас, ҳамма орқаваротдан гапирар, 2-3 аёл бир жойга йиғилса, дарров шу қизнинг гийбатини қилишарди. Лекин қизга ёрдам бериш, лоқал ота-онасини оғоҳ этиш ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Токи қиз “профессионал” фоҳишага айланиб, милицияга тушмагунча ота-она беҳабар қолишибди. Ахир бу дахшат-ку! Қўшнингнинг уйи ёнса-ю, ёнгин сенинг уйинга ўтиб кетмаслиги чорасини кўриб қўйсанг-да, ёнаётган уйнинг эгасига хабар бермай қандай беҳавотир, бемалол яшаш мумкин?! Ҳозир Ҳилолани ҳеч ким менси-

га қасд қилишни таъқиқлаганини кўрсатмайди, зинонинг аянчли оқибатлари, синган умрлар, ота меҳрига зор фарзандлар ҳақида сўз ҳам очмайди. Йўқ, аксинча, уларнинг қахрамонлари ҳеч қачон жинсий алоқа орқали ўтувчи касалликларга йўлиқмайди, севиқли ёрлари эса негадир ҳомилалар бўлиш ўрнига сувдан қуриқ чиқиб қолаверишади. Ёшларимиз эса бу чўпчакларга ишониб, шундай “гўзал” ҳаётга интилишаётганимизни аччиқ ҳақиқат. Йўқса очик қоринлар-у, йигитлар қулоғидаги зираклар ўзбекларга қаердан юққан? Қўчада бирор билан тасодифан танишиб қолишдан қўрқасан киши. Чунки илгари дўстлашиш учун танишишган бўлишса, ҳозир барчанинг хаёлида фақат тўшак, шекилли.

Яқинда почтам автохалокатга учраб, Тошкентдаги Хонобод виллоят касалхонасига ётқизилганини эшитиб, дарров хабар олишга чоғландим. Илгари бу касалхона ҳақида эшитмаган эканман, қаерда жойлашганини билмас эдим, сурштиришга эса вақт йўқ. Билганим-Қўйлиққа етиб олсам, у ердан Хонободни топиш осон экан. Шунинг учун ҳамма ишимни ташлаб, Янгибозор-Қўйлиқ маршрут таксисига ўтирдим. Йўлда кетаётсам, қўл телефоним жиринглаб қолди. Танишим экан. Галлашиб бўлган, ундан Хонобод ҳақида у билиш-билмаслигини сўраган эдим, билмаслигини айтиб хайрлашди. Шунда олдимда ўтирган банд бўйли йигит менга юзланиб Хонободни яхши билишини, у ерда қачонлардир бувиси даволанганлигини, истасам мени кузатиб қўйиши мумкинлигини айтди. Мен миннатдорчилигимни билдириб, уни овра қилиб қўйишни истасамлигимни, менга бор-йўғи қандай етиб боришни тушунтирса етарли эканлигини айтсам-да, у ўз гапида қатъий туриб олиб, Қўйлиққа етиб борганимизда қаршиликимга қарамай, ўз ёнида такси ёллаб, касалхонага мени бошлаб борди. Почтам билан опамга ўзини Элбек деб таништириб, суҳбат давомида исмиمنى ҳам билиб олди. Қўйлиқ автостанциясига қайтганимизда эса:



Акселаро

экан», -деб ёзибди. Изоҳга, менимча, хожат йўқ.

Саломат опа ўз мақоласида тарбияни бола маҳалладан олиши табиий эканлигини айтиб ўтибди. Ҳақ гап.

Яна бир гап, мақола муаллифининг таъкидлашича, бирор бола ёмон йўлнинг бошини тутса, хабар топган маҳалладошлар бунга бефарқ бўлмасликлари керак. Қанчалар куюниб айтилган ҳақиқат! Буни исботлаш учун сизларга Ҳилола ҳақида сўзлаб берай. Биз мактабда ўқиб юрган давримизда маҳаллада шу қиз ёмон йўлга кирганлиги ҳақида миш-мишлар тарқалди. Бу миш-мишлар кейинчалик чиндан ҳам ўз тасдиғини топди: маълум бўлишича Ҳилола 7-синфда ўқиб юрганда юқори синф болалари мактаб томида спиртли ичимликлар, сигаретлар истемол қилаётганлигини сезиб, уларни пойлаш учун ўша ерда яширинган. Болалар эса уни топиб олишган ва маст ҳолда зўрлашган... Кейин ҳеч кимга айтмасликни уқтиришиб, пўписа қилишган. Вақт

майди, аммо бу қизнинг шунчалар тубан кетишига ўшанда орқаваротдан гийбат қилган ҳар бир тилнинг қисман бўлсада айби бор. Ўшанда ўша тил гийбатга эмас, ёрдамга шайланганда, балки қизнинг тақдирини ҳозир бошқача бўлармиди.

Мақолада кўтарилган яна бир мавзу: чет элнинг беҳаё кинолари таъсирида ёшларнинг ҳаётга бўлган нуқтаи назари бузилапти. Бу фильмларнинг асосий гоёси зўравонлик ва ҳаёсийлик томошабин онгига чуқур сингиб бораётгани рости. Фильмнинг бош қахрамони қора кўчларга қарши курашади, йўл-йўлакай гўзал ёрни учратиб, дарров уни тўшаққа тортиқлаб, кейин ҳеч нима бўлмагандек дунёни ёвузликдан қутқаришда давом этади... Бундай қўрқам пахлавонга қайси ёш бола тақдир қилмайди, дейсиз? Негадир ҳеч бир режиссёр ўз фильмларида Худо, ҳатто адолат йўлида ҳам ўзганинг жони-

майди, аммо бу қизнинг шунчалар тубан кетишига ўшанда орқаваротдан гийбат қилган ҳар бир тилнинг қисман бўлсада айби бор. Ўшанда ўша тил гийбатга эмас, ёрдамга шайланганда, балки қизнинг тақдирини ҳозир бошқача бўлармиди.

Мақолада кўтарилган яна бир мавзу: чет элнинг беҳаё кинолари таъсирида ёшларнинг ҳаётга бўлган нуқтаи назари бузилапти. Бу фильмларнинг асосий гоёси зўравонлик ва ҳаёсийлик томошабин онгига чуқур сингиб бораётгани рости. Фильмнинг бош қахрамони қора кўчларга қарши курашади, йўл-йўлакай гўзал ёрни учратиб, дарров уни тўшаққа тортиқлаб, кейин ҳеч нима бўлмагандек дунёни ёвузликдан қутқаришда давом этади... Бундай қўрқам пахлавонга қайси ёш бола тақдир қилмайди, дейсиз? Негадир ҳеч бир режиссёр ўз фильмларида Худо, ҳатто адолат йўлида ҳам ўзганинг жони-

НАРГИЗАБОНУ

Баъзи бир ота-оналар болаларининг оғзидан чиққанини муҳайё қилиши, уларга бўлмағур сўзларни ўргатиши, бундай хатти-ҳаракатлари билан ўз жигарбандларини бетарбия, ҳавоини, танбал қилиб ўстираётганини, бунинг оқибати яхшиликка олиб бормаслигини ўзлари тасаввур ҳам қилмайди. Оғзидан бирон ёмон гап чиқса, бу гапни қайтиб оғзинга олма, уят бўлади, дейиш ўрнига, мақолада тилга олингандай, қайтага ўзи ўргатиб туради. Бегона бўлса ҳам майли, ҳатто баъзилар “қани ўғлим бир онангини яхшилаб сўқиб қўй-чи”, деб ўз туққан онасини сўқийга ўргат-

ганларни, агар онаси: “болага буннақ гапларни ўргатманг” деса: “ўғил бола сўқийни ўргансин”, деганларини қўл эшитганимиз. Адашиб сиз бундайларнинг фарзандига танбех бериб кўринг, билмай, чин кўнглидан гапириб қўйганингизга минг пушаймон едирлашади. Лекин улар катта бўлганлариди эса уларнинг сўқийни, қўпол, қўрс муомала қилиши бегоналар у ёқда турсин, ўз ота-онасига ҳам ёқмай қолади. Афсуски, энди кеч, вақт ўтган бўлади. Тарбиялайман десанг, бундай ноқобил фарзанд отага ҳам, онага ҳам қўл кўтаришдан тўймайди.

Мақолада тилга олинган таксичинга ўхшаган иймонсиз кимсаларнинг тузоғига сизнинг болангиз

илинмайди, деб ким кафолат бера олади. Яхшиликдан кўра ёмонликнинг томир отиши осонроқ бўлади, дейишади. Ўша истироҳат боғига танда қўйган успирин сизнинг болангиз эмасми? Эҳтимол қўшнингнинг ўғлидир? Фақри нима! Ўша хилват жойларда санғиб, бемазагарчиликлар қилиб юрган 14-15 ёшлардаги йигитчалар осмондан тушмаган-ку!

Дарҳақиқат, кейинги пайтларда аксарият истироҳат боғлари ва хиёбонлар бузуқлар учрашадиган, беҳаёлар бир-бирларининг қўнжига кириб мушукдай бир-бирларини ялаб-юлқийдиган ахлоқсиз жойларга айланиб қолди. Гуё “исти-роҳат” эмас, “исловот” боғига ай-

ланиб қолгандай. Яна илгарлари унча-мунча учраб турган жуфтларнинг аксарияти европа миллатларига тегишли бўлган бўлса, ҳозир ҳар қадамда учраётган беҳаё жуфтликларнинг аксарияти “Қумушбиди”нинг авлодлари бўлган ўзимизнинг ўзбек қизларимиз.

- "Истиклол" ресторанининг рўпарасидаги маҳаллада тураман. Лекин сиз овора бўлманг. Автобус бекатида тўхтатсангиз, у ёғига ўзим бир амаллаб етиб оламан, - деди, гарчи ичида жон-жон деяётган бўлса ҳам. Эркак киши шинаванда эканиданми ёки Мастураойнинг қўли унга оромийжон туйғу бахш этганиданми:

- Ҳеч қайси йўқ. Олиб бориб қўяман. Бир-биримизга ёрдам қўлини чўзмасак, керакли пайтларда оғиримизни енгил

рок, ортиқча баҳо бериб юбормадингизмикин?

Мастураой ўйлиниб қолди. Кўнглидаги эркакни толгандай бўлди: "Ҳам уч ўғилли, ҳам хотини билан ажрашган... Бу ёғи енгил кўчса, зора..." - деб ўйлади у. Эркакни гапга солиб яқиндан танишиб олмакчи бўлди. Орага жимлик чўмди. Бирпасдан кейин Мастураой:

- Айтмадингиз, хотинингиз билан нега ажрашиб кетдингиз?

- У мени тирноқ ичида "бир аёл билан ушлаб олди".

- Қандай қилиб? - сўради Мастураой қизиқиб. Ўзи уни шу йўлга бошламоқчи бўлганлиги боис "ушлаб олди" деган сўзга айтарли эътибор бермагандай қилиб.

Эркак:

- Туристтик йўлланма билан ишхона орқали Сочига борган эдим. Қайтганимда хотиним аэропорт панжарасидан қараб мени кутиб турган экан. Мен бир аёл билан гаплашиб-қулишиб самолётдан тушиб келаётганимни кўриб қолди. Бўлди хангома, бўлди хангома!

"Ҳой, барака топкур, самолёт ичида у билан тасодифан ёнма-ён ўтириб қолдик. Чиптамизда шу ўринлар кўрсатилган экан. Гаплашиб келдик. Гапи туғаман эди, самолётдан тушганимиздан кейин ҳам гапни давом эттирди. Мен одоб юзасидан уни тинглашга мажбур бўлдим", - десам қани энди ишонса!

Ишонмади... Жуда рашқчи эди. "Мени бу ерга ташлаб, Сочидан у билан бирга оғиз-бурун ўпишиб, дам олиб келдингиз", - деб арашлаб ота-онасиникига кетиб қолди. Аччиғим келиб мен ҳам тўнимни тесқари кийиб олдим. "Уч бола билан қаёққа борарди? Хали ота-онасининг зўри билан бўлса ҳамки, қайтиб келади", деб ўйладим. Йўқ, орадан ярим йил ўтгач ажрашиб

ҳақида мен эмас, у судга ариза берди. Мен эса "бу ҳам дўқ-пўписа" деган ҳаёлга бориб жалл устидан "розиман" деб юборибман... Мана, ўшандан бери ярим йил ўтди. «Ҳай фарзандларимга», деб бош олиб чиқиб кетганман. Ҳозирги кунда ёлғиз ўзим сизларнинг ён маҳаллангизда яшаб келаман, - деб гапини туғатди у...

Мастураой буни эшитиб, "айни муддао" деган ҳаёлга борди ва қутилмаганда унинг исмини сўрагач, у ҳам аёлнинг исмини сўрамайдими? Сўради:

- Сизники-чи? - деди Ўткирбек. У билан кўнгиладан танишиб олишни хоҳлаётган Мастураойдан.

- Меники Мастураой, - деди у ва виждонига қарши, - мен ҳам эрим билан ажрашганман, - деб ёлғонни тўқиб юборди. Ҳамиша шундай: эгри йўл эгри гапни кўзгайди, эгри гап эгри йўлга бошлайди. Ҳеч вақт ёлғон гапирмайдиган Мастураой ўзининг бу сохта гапидан қизариб кетди. У хатто кейин сирим очилиб қолса, нима қиламан, деб ҳам ўйлаб ўтирмади. Унинг бошқа бировдан йўл орттириб олиш нияти тамомла эс-хушини еб қўйган эди. Ўткирбек:

- Буни қаранг-а, тузукроқ танишиб олсак, яхши бўлар экан. Иккимизнинг қисматимиз деярли бир хилга ўхшайди, - деди у ҳам Мастураойнинг кўнглига қўл солиб.

- Қанақа бўларкин?

- Қанақа бўларди? Ҳар қалай ёмон бўлмайдими. Нима дедингиз?

- Тўрику-я... Аммо дабдурустдан... Дабдурустани йўқ. Индинга, - сўлим, аммо хуфёна жойда жойлашган йўл бўйидаги бекатни кўрсатаркан, - мана шу бекатда соат 6⁰⁰ да сизни кутаман. Қўра, бир айлиниб келамиз. Ниятни ўрлага қўйиб, дилдан гаплашиб оламиз. Хўпми? Келасизми?

- Майли. Келишга ҳаракат қиламан. Энди, ана у "Бўзсув" кўпригидан ўтиб, машинангизни тўхтатсангиз... Бу ёғига ўзим амаллаб кўтариб кетаман. Тагин битта-яримтаси сизнинг машинангиздан тушганимни кўриб қолмасин...

деди, шу билан у қўл нарсасга рози бўлаётганини ва буни ғоят сир тутишни жазманига етказмоқчи эди.

(Давоми бор).


Азимжон КОСИМОВ

ЭР-ХОТИНЛАР ТОИФАСИ

ҳам ёзин-кишин қурилишда, битмаган зах уйларида ишлаб совуғим ўтиб кетгандир ёки менинг мизоҳим совуқмикан? - деган ўйларга борди. У шу даражада иссиқлик овқатларга ружу қилдики, ҳеч ошмаган қон босими сал кунда кўтарилиб кетди. Натихада, дўхтирлар унга парҳез тутишни буюрди. Иложи қанча, у яна совуқ таомларга ўтди. Ўн кун деганда унинг қон босими меъёрига тушди. Аммо "нечун хотиним қиз туғаверади", деган ҳаёлдан қутила олмади. Иримчи одамлардан эшитган ирим-сиримларни қилиб ҳам юрди. Табиблардан маслаҳат олди. Қовуғига от ёғи, ит ёғи боғлаб юрди. Хотинига ҳадеб ёпишавермай, қуч-қувватга тўлиб кетган, ички эркаклик босими қиндан чиккудай бўлган вақтлардагина унга тегинадиган бўлди.

Орадан кунлар ўтаверди. Бир пайт келдики, Салоҳнинг кўнглида "шунча ҳаракатларим бекор кетмаган бўлса керак", деган илинж пайдо бўлди. Шу илинжда у гоҳ туманли йўда қолиб, гоҳида дили ёришгандай бўлиб юрди. Шу ўртада хотини ҳомиладор бўлди. Ой-кўни тўлиб, у туққан эди, яна қиз дунёга келди. Салоҳнинг ҳафсаласи пир бўлди. Ич-этини ейдиган кунлари кўпайди. Охири, бир дўхтир ўртоғига ёрилган эди, у фарзанднинг қиз ёки ўғил бўлиши фақат эркак кишига боғлиқ, деган гапни айтди. Салоҳ бунга ишонмади. Қадим подшоҳлар, бой-бойваччалар қиз туғаверган хотинларни қўйиб бошқасига уйланганларини, шунда ўғил кўрганларини ўқиб, эшитиб, ўзича турли бўлар-бўлмас ҳаёлларга бориб юрди. Бир куни гапдан гап чиқиб қолганида хотинига: "Ўғил кўрмагунимизча туғаверасан", деган қарорини айтиб, уни пухталаб қўйди. Ўзи шундоғам қиз туғавериб, боши қотиб юрган хотини Мастураой нима қилсин, эрига "хўп" деди...

Ҳайз оиларининг бирида унинг ой кўриши оғрикли кечди. Гинеколог қабулга боришга тўғри келди. Дўхтир обдон текшириб қўриб: "Бачадонингизни бироз шамоллатибсиз", - деди. Дорилар ёзиб берди. Муолажалар буюрди. "Ҳаммаси ўтиб кетади", деб кўнглини кўтариб ҳам қўйди. Мастураой гинеколог хузурида экан, бир пайт ундан "Нега мен қиз туғавераман?" деб сўраб қолди. Дўхтир қулди. Тўртта қиз кўрган бу аёлнинг дардини тушунди. "Бу аввало Худодан, қолаверса, эрингиздан, - деди у, - эрингиз ўғил пушт ташласа - ўғил, қиз пушт ташласа - қиз бўлади-да..." Яна бошқачароқ тушунирадиган бўлсам, - деди дўхтир аёл - амалиётда эрининг ота-бобосида, яъни ирсиятда ўғил кўп бўлганда ҳам ундан ўғил туғилиши кўпроқ бўлади ва аксинча. Бироқ бу ҳам юз фоиз



Тўғри, дугонасининг эри барвастандан келган, кўримли, шу билан бирга шўхрок кўринди унинг кўзига. Мастураой уни мўлжалга олгиси келди. Бироқ дугонасидан чўчиди: "Мабодо, сезиб қолса, нақ кунимни кўрсатади, деб ўйлади у. - Яхшиси, хотини йўқ эркаклардан танлаш керак. Гап-сўз бўладиган бўлиб қолса, сенга хархаша қилиб келадигани бўлмайди..." Бу фикр унга жуда ёқиб тушди.

Орадан уч ой ўтган эди, Тошкентнинг "Олой" бозорида бир эркакка тасодифан дуч келиб қолди. Мастураой шу куни кўнгли сезгандай, ясаниб-тусаниб, кўзга яқин бўлиб бозорга чиққанди. У оғир ички сумка билан "Олой"дан чиқиб келаётган эди, бир эркак "Нексин"сини тўхтатиб тушди-да, унга лутфан мурожаат қилиб қолди: "Опахон, - деди у, ёши ундан каттароқ бўлишига қарамай, кўлингиздаги сумкаларни менга беринг, ўзингиз машинага ўтиринг. Аёлларга бунақанг оғир сумкаларни кўтариб юриш мумкин эмас... Ҳа, менга ишонаверинг. Мен врачман". Шундай деб у Мастураойнинг розилигини кутмай, қўлидаги сумкаларни олар экан, унинг қўли Мастураойнинг қўлига яхшигина сирганиб

қилмасак, ўзбеклигимиз қаерда қолди? Тўғрим, опaxon?! - деди.

Шунда Мастураой:

- Тўрику-я, аммо сизни овора қилиб қўяманми, дейман... - деди юраги унга жижиллаб.

- Овораси борми? Менга ҳам савоб керак. Гуноҳларимни ақалли шу йўл билан ювиб турай, - деб куларкан, рўпарасидаги кўзгудан Мастураойга қаради. Пирдози ўзига ярашиб турган ва бундан қувониб келаётган Мастураой ҳам қулгига қўшилди ва:

- Қанақа гуноҳларингиз бор? - деди ишва қилиб, кўзгу орқали эркак билан кўз уриштираркан. Эркак хали эскирмай келаётган ички дард билан:

- Гуноҳим шуки, хотиним билан ўн йил бирга яшаб, яхши-ёмон кунларни бирга баҳам қўриб, уч ўғилли бўлганимизда ажрашиб кетдик, - деди хўрсиниб.

Мастураой:

- Бу ёғи қизиқ бўлди-ю. нега ажрашиб кетдингиз? Кўринишигиздан хотини билан ажрашиб юрадиган эркакларга ўхшамайсиз-ку! - деди унинг силлиқ юзини, текис таралган сочини назарда тутиб.

- Ўхшамайманми?! Раҳмат сизга. Би-

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Онаси қизининг тўйини ўтказиб бўлиб, туғулларини кўтариб уйига кетди. Рухсора эса тўйдан кейин куда-андачилик ташвишлари билан бўлиб, онасини унутди. Баъзида эсига тушган пайтларида эса: "Қари одам-да нима ташвиш ҳам бўларди. Ўғил уйлаб, қиз чиқармаса, неварга тўйга той олай, демаса. Хозир ҳамма ташвиш бизда-да", - деб ўзини-ўзи оқлар, юпатар, оқдийгина фарзандлик вазифини орқага сурарди.

Мана, энди ўзининг бошига тушди "ташвишсиз дамлар". Гоҳ ўғли, гоҳ кизлари, гоҳ куёвлар, гоҳ невараларнинг ташвишлари билан, қанчадан-қанча уйкусиз тунар ўтади. Айниқса, фарзандлари, дилбандларидан сал ортиқча гап эшитиб қолса бўлди, юрак бағри эзилиб, бировга чурк этмай, ич-этини еб юраверади.

зўрма-зўраки.

- Вой, болам, келдингми, - деб ётган жойидан секин туриб ёстиққа ёнбошлади. - Куни билан ёлғиз ўзим, уйлар ютиб юбораман, дейди. Сен ишда, қизинг ўқишда, сизларни кутгандан кўзларим тўрт бўлиб кетди. Бу ерда бир кўни-кўшнингнинг ҳам оқибати йўқ. Опангни кўшнлари бирам яхши, бирам яхшики, бири қолиб, бири кўйиб, холажон, деб кириб-чиқишиб, ҳечам зериктиришмайди, - деди ярим ҳасрат билан.

Ўзи шундай ҳам зўрға турган Рухсора тутоқиб кетиб кўлини силтаб:

- Э, Худойим-ей, мунча ношукр бўлмасангиз?! Нима қилай, менам ишдан чиқиб, сиз билан гап сотиб лақиллаб ўтирайми? А, нима қилай? Тирикчилик нима бўлади? Пул қаердан келиб, қаердан кетишини билсангиз эди!

- Вой болам, - деди онаси ялинган овозда. - Нега аччи-

кўллари шишиб қолди, нима қилай", - деди. "Билмадим, ўртоқжон, - деди у ҳам ташвиш билан. - Қари одамларда буйракнинг ишдан чиқиши тезлашади"...

Бу гапни эшитган Рухсора: "Нахотки, онамга бирор гап бўлса? Йўқ-йўқ, кўз олдимга келтира олмайман", - деб бир зум хаёлига ўша кўз олдига келтира олмайдиган воқеа келди-ю, этлари жимирлаб, оёғининг учлари музлагандай бўлди. Ўша кунийк опа-сига кўнғирок қилди. Опаси эса зудлик билан ойсини уйига олиб келиш кераклигини, бирор қор-ҳол бўлса эди олдида уятга қолишини қайта-қайта тайинлади.

Онаси доим қизларига: "Ўлим ҳақ, вақти келиб, куним битса, ўз уйимдан чиқаринглар. Ҳеч бўлмаса охири дақиқаларда ўзимнинг уйимда ҳеч кимдан қисиниб-қимтинмай оёғимни бемалол узатиб ётай", - деб қайта-қайта тайинлар эдилар.

сизни? Ёки сиздан тезроқ кутилиш, сизсиз бемалол, тинч яшаш истаги устун келдимикан? Эй, Оллоҳим, бу осий бандаларининг кўзи қачон очиларкан? Қачон?"

Дарҳақиқат, ўшанда Рухсора онасини калтак олиб қувгандай, опасининг гурбатхонасига олиб бориб ташлади-ю, фарзандлик бурчини бажарган бўлди. Ўша воқеадан сўнг ҳам онаси салкам олти ой яшади Рухсора икки-уч марта бориб хабар олди, онасига қараган бўлди.

Охири марта борганида эли суягига ёпишган онаси қаравотда мажолсиз ётарди. Опа-сингил эса совуқ маросимга тайёрланарди. Онаси ётибди-ю, унинг сандигини очган опаси: "Қара Рухсор, мана бу тўн домлага, мана бу мато отинчага, мана буниси ювгичга", деб тахлаётганди, она шўрлик кўзлари жавдираб: "Сандигимдаги ҳамма нарсани тарқатиб юборманглар. Ахир мендан эсдалик

иши қийин-да. Оллоҳга шукр, хайрият, уч қизим бор экан, бировга хору зор бўлмадим. Ҳаммаларингдан мингдан минг розиман. Фақат биргина ҳасратим билан, ёлғизгина ўғлимнинг дарду доғи билан кетаман", - деди паст овоз билан. Ўшанда Рухсора онасининг олдида бир ҳафта турди. Онасининг хотираси тиник, узоқ гаплашибди, ҳасратлашибди. Кетаётди: "Ойижон, яхши қолинг, янаги ой яна бир хабар оларман. Ишдан бир ҳафта жавоб сўраган эдим", - деди.

- Майли, болам, яхши боргин, энди ўзинг келмагин қийналиб, ўғлингни юборгин, болам. Олиб кетсин мени бу ерлардан. Сизларники барибир тинч-да, ўзинг кўриб турибсан-ку, жиянинг қай аҳволда. Албатта ўғлингни юборгин, эсиндан чиқмасин. Хўпми?"

Рухсора онасининг иккала бетидан ўпиб, хайрлашиб

ҲАҚНИ ТОПДИМ-У...

Кишнинг қаҳратон кунларининг бирида опаси Сабоҳат телефон қилиб: "Тезроқ етиб кел, Рухсор, ойимнинг мазалари йўқ", - деди. Сингис Дилоромни чақиртириб, икковлари зудлик билан етиб боришди. Уйга етиб келиб, энди кирмоқчи бўлганда, кўшни дарвозадан Зайнабхон ая чиқиб қолди. Кучоқлашиб, сўрашиб бўлиб: "Шошма, гапим, бор", - деди қулоғига ширивлаб. Ая атрофга бир назар ташлаб секин гапирди:

- Рухсора, гапимни яхшилаб эшит, ойингнинг аҳоли жуда оғир. Биз сенинг онам билан қирқ йиллик қадрдонмиз. Биласан, ёлғиз ўғлини ҳам худо кўп кўрди. Опанг шўрлик, ана у ичучи ўғлининг орқасидан югуришдан бўшамайди. Сингилгни аҳоли ўзинга аён, қайнона-қайноталик. Фақат сен онамга қарай оласан. Олиб кет бу ердан, бўлмаса уволига қолсан. Тунов кун жиянинг ичиб келиб, бул жанжалини қилиб, онамг шўрликни шундай итариб юбордики, уйнинг бурчагига гужанак бўлиб тушди. Янаям Худо сақлади. Олиб кет, онамни олиб кет, - деб қия эшикни ёпиб, уйига кириб кетди.

Дарҳақиқат, ўшанда у фақат кўшни аянинг гапи учун эмас, онасининг неварадан тортаётган азобларини кўриб чиқолмаганидан олиб кетди. Онасини яхши дўхтирларга қаратди, даволатди.

Рухсора эрта ишга кетар, кеч қайтар эди. Уйда қолган кичкина қизи Зулайхо буви-жонисини оқ ювиб, оқ тарар эди. Бир кун у ишдан қарчаб қайтди-ю, онасининг олдига чиқмай дам олгани ўз хонасига кириб кетди. Орқасидан югуриб кирган Зулайхо, - «Ойижон, қизинг, бувим кутаяптилар», - деди. Қаравотда ағанаб ётган Рухсора "уфф" деб турди-ю, қовоғини осилтириб онасининг олдида чиқди. - «Ҳа, ойи, яхшимисиз», - деди

гинг чиқади? Ахир мен ёмон гапирмадим-ку?! Зерикканимдан, сиқилганимдан гапирдим-қўйдим-да. Эҳ, болагинам, тирикчиликни мендан сўрагин эрсиз, уй-жойсиз, не-не машаққатлар билан сизларни ўстирдим, ўқитдим. Ўзим елкамда оғир қоллар кўтардим, сизларга кўтартирмадим. Қиз бола бет-кўзи очилмасин, деб бозорга чиқармадим. Мана ҳозир туппа-тузук ота-оналик болалар, сақич сотапти, сув сотапти.

Онасининг гапларидан кўзлари ола-қула бўлиб кетган Рухсора:

- Жонимга тегди бу гапларингиз! Эсимни таниганимдан бери эшитаман. Сиз ҳам отам сингари ташлаб кетинг эди, бизни. Яна... яна эр қилинг эди. Ёш умримни ўтказдим, дейсиз ҳар сафар. Ўтказманг эди, биров кўлингиздан ушлаганимиди?! - деди важоҳат билан ўқрайиб.

- Майли, болам, сенки маъқул, жоним болам. Бир куни кетарман ҳам, қоларсан ҳам. Ҳали вақтлар келар, нафақат сўзларим, балки изларимга ҳам зор бўларсан, - деди кўзларидаги намни артиб.

«Ох, онажоним, мана келди, келди сиз айтган вақтлар. Изларингизни тополмай қолдим, онажоним. Нахотки, онанинг оналик, ҳақ сўзларини англаш шунчалик оғир бўлса?! Ҳақни англаш учун айрилиқ керакмикан-а?! Ох, онажоним, ҳақни топдим-у, аммо сизни, онажоним - ҳақ-ўғимни йўқотдим»...

Бир куни Рухсора ишга кетаётганда, онаси:


- Қизим, қарагин, қўлим шишиб қопти, - деди.

Югуриб келган Зулайхо:

- Бувижон, ҳеч нарса эмас, ҳалиги кун меннинг чап оёғим қайрилиб қолуви-ку, ўшанда шишиб қолганди. Хозир яхши, сизники ҳам қайтиб қолди.

- Вой, она қизим, - деди буви-жон эркалаб, - бекорга исминг Зулайхо эмас-да!

Рухсора ишга етиб борди-ю, яқин дугонаси Машхурага телефон қилиб: "Ойимнинг



Рухсора сафар тараддудини кўраятти-ю, онаси ҳайрон: "Нима бўлди болам, уйимга кетаманими? Уфф, ўша Азаматнинг турки курсин. Қўй, болам кетмайлик, қўлим шишса нима бўпти? Мен туппа-тузукман-у, ваҳима қилмагин, жон болам", - деди ялиниб. У эса томдан тараша тушгандай жавоб қилди: "Васият қилгансиз-ку, ахир ойи, уйимга олиб бориңлар, деб!"

Қизининг бундай хозиржавоблигидан ғалати бўлиб қолган шўрлик онаси: "Ўлимим яқин экан-да", - деди секин пичирлаб ва индамай ўрнидан турди.

«Ох, онажоним, ўшанда нега шошилдим? Қаерга шошилдим? Нега охириги истагингизга қулоқ солмадим, ба-жармадим? Ўлимга кеч қол-манг, деб шошилтирдимми

бўлиб қолар, ўзларинг ёки болаларинг киярсизлар", - деди. Шунда опаси жеркиб: "Уфф, шунга ҳам аралашинг, бисотингиздаги нарсалар бир пулга ҳам қиммат, отам замонидан қолган булар. Хозир ҳамма ўлимда қимматбахонарсалар беради. Хозир шундай виллурлар чиққанки", - дея қошни чимириб, сандиқнинг қопқоғини қарсиллатиб ёпти.

Рухсора ялт этиб онасига қаради, онаси индамай шипга тикилиб ётарди. Хўрлиги келиб, томоғига бир нарса тикилгандай югуриб ташқарига чиқди, тўйиб-тўйиб йиғлади, сўнгра уйга кирди. Кўзлари йиғидан қизарган қизига қараган онаси: "Қўй болам, йиғлама, ўлим ҳақ, опанг тўри айтади. Тўйга йиғиб-териб тўплайсан. Ўлимнинг

чиқди-ю, йўлда юраги бевозта бўлди. Хайдовчи йиғит қайрилиб қаради-ю, "Нима қилай, орқага қайтайми", - деди. Рухсора "йўқ", деди. У хайдовчига эмас, юрагига йўқ деб жавоб берган эди. Уйга келиб ётиб ухлади-ю, тонгда телефон кўнғирогидан уйғонди. Гўшакдан опасининг: "Рухсор, онамиздан айрилиб қолдик", - деган овозини эшитиб, бир сапчиб тушди.

Уч опа-сингил онасининг маросимларини бекаму кўст ўтказиб, элдан ошиқ бўлса бўлсин, лекин кам бўлмасин, деб сеп-сидиргалар тарқатиб, ҳотам бўлиб одам кутдилар.

Кўйлар сўйилган, дастурхонда жиззали патирлар терилган, канд-курс, писта-бодом, пишириқларнинг хилдан кўзингиз қамашади. Катта дош қозонлардаги овқатни айтмайсизми? Ўтирганлардан бири овқатни иштаха билан еяр экан, ошпазни мактаб: "Бай-бай-бай, мунчалик ширин бўлмаса бу овқат!" - деб бошини ликиллатар эди. Нима, бу - айрилиқ тўйими? Нима, бу меҳрибон фарзандларнинг элга эҳсоними? Эҳсонни онаизоринимизга қилсақ бўлмасмиди?

«Эй, Оллоҳим! Биламан, ўлим ҳақ, айрилиқ азобидан эмас, армон азобидан, виждон азобидан йиғлайман. Виждоним ўртанади, қийналади. Нахотки, шунчалик сўқир бўлсам?... Айрилиқ дардининг шифоси - вақт, вақтлар ўтиши билан жараҳатлар секин-аста битида. Лекин виждон, армон азоби-чи?! У умрбод қалбимни ўртади. Ох, онажоним, қандай чидаин, бу кийноқларга? Қандай, қандай?!»

Ўғли Мухсинжон келиб-кетгандан сўнг Рухсора ая эшик олдида тик турганича уйга чўмиб, ўз-ўзига ана шундай саволлар берар, саволларига жавоб тополмай қийналарди.

Раъно ХИММАТКУЛОВА,
Фарғона Политехника
институтини ўқитувчиси.



САРИМСОҚПИЁЗНИНГ ФОЙДАСИ

Ўғлимнинг қулоғи тез-тез оғрийдиган бўлиб қолди. Қилмаган амалим қолмади. Шифокор айтган барча муолажаларни вақтида олсак ҳам, касаллик қайта-қайта бошланарди. Шундай кунларнинг бирини да холам келиб, куйидаги муолажа усулини айтиб қолди: 2 бош саримсоқпиёз тозаланиб, майда тўғралади, устига 3/4 стакан ўсимлик ёғи куйилади. Аралашмани 10 кун давомида дераза олдига қўйиб, вақти-вақти билан аралаштириб турилади. Сўнг аралашма докада сузиб олинади. Ушбу малҳам ҳар гал



сал илтиб, оғриётган қулоққа томизилади. Саримсоқпиёзли ёғ ёрдамида ўғлимнинг қулоғи тузалиб кетди.
З. Ахророва,
Наманган вилояти.

БОДНИ ДАВОЛАДИМ...

Бир куни эримнинг бели оғриб қолди. Шунда онам бир пайтлар қўллаган усулни қўладим. Бу усул куйидагича: 1,5 стакан турп шарбати 1 стакан суюқроқ асал билан аралаштириб, озроқ туз қўшдим. Яхшилаб аралаштирдим. Кейин сал илтиб, эримнинг белига сурдим. Сўнг устини қалин кўрпа билан ўраб қўйдим. Бу аралашманинг киздирувчи хусусияти бўлганлиги учун тез-тез оғриқни қолдирди.
П. Расулова,
Сирдарё вилояти.

ШИФОБАХШ ЧОЙ

Ўғлим билан келиним шахарда, кўп қаватли уйда яшади. Шу боисми, набирам касалванд, рангпаргина, тез-тез касал бўлади. Иштаҳаси йўқлиги боис, овқатни ҳам унча емайди. Набирамни кишлоққа олиб келиб, ўзим билган дармондорили чойдан тайёрлаб ичира бошладим. Бунинг учун 1 килограмм облепиха олинади. Сиқиб шарбати сузилади. Шарбатга 1 стакан қайноқ сув, 2 ош қошиқ асал, 0,5 стакан яллиз дамламаси ҳам қўшилади. Паст оловда 5 дақиқа қайнатиб олинади. Дармондорили бу чойни музлаткида сақлаб, 2 ой да-

вомида ҳар куни ярим стакандан набирамга ичирдим. Кўп ўтмай набирамнинг рангига қизил югуриб, иштаҳаси яхшиланди. Қиш давомида бир марта ҳам касал бўлмади.
Ж. Каримова,
Тошкентвилояти




ҚУВВАТНИ ОШИРАДИ

Ёшим 72 да. Лекин ҳали йигитлардек бақувватман. Ханузгача жинсий ҳаётимда муаммо бўлган эмас. Мен жинсий қувватимни сақлаш учун вақти-вақти билан куйидаги муолажадан фойдаланаман. Бу жуда оддий. Эрталаб оч қоринга 20 дона қовоқ уруғини минерал ёғи оддий сув билан ичиб, 20 дақиқадан сўнг эса овқатланаман. Бу муолажанинг фойдаси шуки, ҳам эркаклик қувватини тиклайди, ҳам танани паразитлардан халос қилади. Яна бир усул эса уқалаш муолажасидир. Ҳар куни жинсий аъзо атрофини бўрсиқ ёғи билан уқалайман. Шамоллашни ҳам даволайдиган бу муолажани 5-10 кун давомида қайтариб, 1 ой танаффус қилиш мумкин.
В. Йўлдошев,
Оҳангарон шаҳри.

ТОШМАГА МАЛҲАМ

Қўл ва бўйинларимга қипқизил тошмалар тошиб кетганлиги учун ёзда ҳам энглари узун кўйлак кийиб юрардим. Бироқ бўйнимдаги тошмаларни яшира олмасдим. Шифокорлар ёзиб берган муолажалардан сўнг маълум муддатгача тошмалар йўқолар эди-ю, лекин кўп ўтмай яна пайдо бўларди. Бир гал тошмалар жуда кўпайиб кетган, ноилоҳ таътил олишга мажбур бўлдим. Онамни кўришга қишлоғимизга бордим. Онам мени кўриб кўрқиб кетди. Кейин, "Сенга бир малҳам тайёрлаб бераман. Шундан сўнг ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетасан", - дея ишга киришди. У товукхондан ўн дона тухум олиб чиқди. Тухумларни қаттиқ қилиб пиширди. Ичидаги саригини олғач, сихга қатор қилиб терди. Шам ёқиб, уларни шам устида тутиб турди. Қизиган тухум саригидан ўзига хос су-



юқлик ажралиб чиқа бошлади. Мана шу суюқликни пиёлага йиғиб олдик. Сўнг бу суюқликни докага шимдириб, тошма тошган жойга босдик. Докани бир кунда 2-3 маҳал алмаштириб турдик. Бир ҳафта ичида теридаги тошмалар йўқолди. Мана, шундан буён беш йил ўтди. Ҳалигача бирор марта ҳам тошма тошмади. Эҳтимол, бу муолажа кимларгадир асқотар.
У. Садриева,
Чирчиқ шаҳри.

КЛИМАКС ДАВРИДА...

Барча аёллардек мен ҳам климакс даврини бошдан кечирдим. Бу жараён менда айниқса кийин кечди. Бу пайтда тана учун зарур бўлган қалий анча танқис бўлади. Шу боис мен мевалардан аралашма тайёрлаб, истеъмол қилгандим, бу менга анча ёрдам берди. 200 граммдан туршак ва қора олхўри, 100 грамм майиз, 2 дона данаги ажратилган лимонни гўштмайдалагичдан ўтказдим. Шиша банкага солиниб, устига 200 грамм асал қўйиб, аралаштирдим. Жуда тўйимли ва мазали бу аралашмани ҳар куни оч қоринга ва уйқуга ётишдан олдин 1 ош қошиқдан истеъмол қилгандим, кўп ўтмай

қувватга кирдим, климакс ҳам анча энгил кечди. Мен ҳар қандай касалликни ҳам табиий воситалар билан даволашни маъқул кўраман. Бир неча йилдан буён эса соғлом бўлиш учун олма сиркадан фойдаланаман. 5-10 кун давомида ҳар куни эрталаб. 1 стакан сувга 1 чой қошиқдан олма сиркаси ва асал қўшиб ичаман. Бу аралашманинг фойдаси шундаки, у танадаги модда алмашини жараёнини яхшилаб, климакс даврининг нормал кечишини таъминлайди.
М. Салимова,
Наманган вилояти,
Чуст тумани.


КУЙГАНДА, ЯРА ТОШГАНДА...

Эрим оғир жароҳлик операциясидан сўнг анчагача ўрнидан турмасдан ётди. Терисига ётоқ яралар тошиб кетди. Мен шифокорлар тавсия этган ва ўзим билган барча малҳамларни яраларга суриб кўрдим. Унча ёрдам бермади. Бир танишимнинг тавсияси билан куйидаги малҳамни тайёрлаб қўя бошладим. Бу ажойиб малҳам куйгани, тошмаларни ва ётоқ яраларни тез тuzатар экан. 7 дона стрептоцид таблеткаси,

4 ош қошиқ ўсимлик ёғи, 2 дона тухум сариги ва ловия катталигидан асалари муми олинади. Аввал ёғ қайнатилиб, унга асалари муми қўшилади. Қўл куймас даражада совутилгач, тухум сариги қўшилади. Яхшилаб аралаштирилиб, қаймоқдек бўлгач, яраларга сурилади. Бу малҳам ярадаги йирингни чиқариб, тез тузалишига ёрдам беради.
Ж. Умарова,
Навоий вилояти.

ЛИМОНЛИ ЁҒ

Совуқ кунлар бошланганда табиийки турли касалликлар ҳам кўпаяди. Айниқса грипп тарқалганда мен жуда қийналардим. Бир куни лимонли ёғ билан турли касалликнинг олдини олиш мумкинлиги ёзилган экан. Лимонли ёғ нафақат касалликлардан ҳимоя қилибгина қолмасдан, унинг қаршилик кўрсатиш қувватини ҳам оширади. Бу ёғ куйидагича тайёрланади. Бир дона лимон-сувда 1 дақиқа қайнатилиб, уруғларидан тозаланиб, қирғичдан чиқарилади. Сўнг 100 грамм са-



риёғ, 1-2 ош қошиқ асал қўшилади. Тайёр бўлган аралашмани музлаткида сақлаб, ҳар куни эрталаб 1 ош қошиқини нонга суриб ейилади.
О. Сафарова,
Андижон вилояти

ИЧАКЛАРГА ЁРДАМ...

Кўп йиллардан буён қабзиятдан қийналардим. Кўннимиз менга ўзи билган бир усулни синаб кўришимни айтди. 300 грамм анжир қоқи, 600 грамм олхўри қоқини ивितिб, гўштмайдалагичдан чиқардим. Ҳосил бўлган аралашмага 200 грамм вазелин ёғини қўшиб, яхшилаб аралаштирдим. Бу аралашмани овқатдан олдин, кунига 3 маҳал, 1 ош қошиқдан истеъмол қилдим. Учинчи куни унинг фойдасини сездим.
Ш. Эргашев,
Сирдарё вилояти.


ТАНАНИ ТОЗАЛАЙДИ...

Йиллар ўтиши билан танага турли хилтлар йиғилиб, ҳар-хил касалликларга сабаб бўлади. Мен танамдаги шундай хилтларни дорихоналарда сотиладиган, фаоллаштирилган кўмир таблеткаси (активированный уголь) билан тозалайман. Таблеткаларни икки ҳафта давомида, ҳар куни 3 маҳал, 3-5 донадан овқатдан 30 дақиқа олдин ичган маъқул. Ушбу муолажани қўллаётган пайтда кунига 1,5 литрдан кўпроқ сув оз-оздан қултумлаб ичилади. Муолажа тугагандан кейин кунда ейиладиган озиқ-овқатлар қаторида пиширилган лавлагани қирғичдан чиқариб ейиш лозим. Бу муолажани баҳор ва куз ойларида бажарган маъқул.
С. Ортиқов, Қарши шаҳри.

ОШҚОЗОН ОҒРИСА...

Ошқозонимдаги яра кислоталилик ошиб кетганлиги боис безовта қила бошлаганда менга куйидаги гиёҳлардан тайёрланган дамлама катта ёрдам беради. 1 чой қошиқдан мойчечак (ромашка), мингбарг (тысячелистник), далачай (зверобой) ва яллиз олинади. Уларни аралаштиргач, бир ош қошиғи олинаб, устига 1 стакан қайноқ сув қўйилади. Паст оловда 10 дақиқа қайнатилади. Малҳам чой кунига 3 маҳал, 1/3 стакандан ичилади. Бу дамлама ҳар қандай дори-дармондан кўра яхшироқ фойда беради.
М. Афзалова,
Сурхондарё вилояти.

ШАМОЛЛАГАНДА...



даланиб келаётган куйидаги усулни қўллаيمان:
✓ Бир дона тухум, 2 ош қошиқдан сирка (уксус) ва киздирилмаган pista ёғига 2-3 ош қошиғидаги ун аралаштирилади.
✓ Аралашмани иссиқ кастрюлька қопқоғи устига қўйиб иситилади ва кўкрак (юрракни четлатиб) устига суртилади, сўнг се-лофан ва иссиқ нарса билан ўралади.
✓ Бу компресс терига сингиб кетгунча сақланади.
✓ Муолажани кундузи ҳам, кечаси ҳам соғайиб кетгунча қўллаш мумкин.
Рухсоробону,
Самарқанд шаҳри.



ЁҚИМЛИ ҲИД

АҚШдаги Массачусетт университетининг олимлари эрли аёлларда климакс ёлғуз аёлларга нисбатан уч йил кейинроқ бошланганини исботладилар. Бунинг сабаби айнан— эрдан таралаётган ҳавода кезиб юрган ҳида, дейишмоқда олимлар.

УФУРНИБ ТУРБА...

Эркактар терлаганда тер билан бирга фанда "феромон" деб ном берилган махсус модда ҳам ажралиб чиқади. Айнан шу модда аёлларга ижобий таъсир этиб, уларда жинсий гормонлар ажралишини рағбатлантиради ва фарзанд кўриш ёшини узайтиради. Олимлар яқдиллик билан хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл, ундан тараладиган табиий ҳид фақат шунгагина қодир эмас, дейишмоқда. Бир кўрганда юракнинг жиз этиши, эхтирослар уйғониши, бошни йўқотиб қўйиш ҳамма-ҳаммасига ўша ҳидлар "айбдор".

ГЕНЛАР ТАРАТГАН ҲИД

Агар қайсидир инсондан келаётган ҳид (англаганингиздек, бу ерда атир, дезодорант, хушбўй совун ёки шампун иси назарда тутилмайпти), сизга маъқул бўлиб қолса, билинги, унинг генлари билан сизнинг генларингиз ўзаро мос экан. Мутахассислар тажриба ўтказиб, 50 нафар аёлга 10 та кўтида эркактарнинг бир неча кун кийилган кийимларини беришди. Аёллар улар ичидан ўзларига ёққан, ўзларини ҳаяжонга солган ҳид келиб турган кийимни танлаб олишлари керак эди. АҚШнинг Чикаго университети олими, доктор Кэррол Обер тажрибага шундай ҳулоаса ясади: аёлларнинг барчаси генотиби ўзлариникига ўхшаш бўлган эркактар кийган кийимларни танлашди. Яна бир қизиқ жиҳати, агар кийимдан эркакка онасидан мерос бўлиб ўтган генларнинг хиди кўпроқ уфуриб турган бўлса, бу кий-

им аёлларда нохуш ҳисларни уйғотган. Аксинча, отадан мерос генлар ҳиди келиб турган кийим "эгасиз" қолмаган.

ЭРКАКНИНГ ПАЙПОҒИНИ ҲИДЛАСАНГИЗ...

Эркактан келаётган тер хиди аёлнинг кайфиятини кўтарар, унга асабий ҳолатларни, стрессларни енгиб, тинчланишида ёрдам берар экан. Айнан тиниб-тинчимас олимлар ўтказган яна бир тажриба буни исботлади. Бир ой мобайнида дезодорант ишлатмаган эркактарнинг қўлтиқ остидан тер олиб, ҳеч нарсадан беҳабар аёлларнинг лабига суриб қўйишди. Ўзларича янги атир, лаб бўёғи ва таркибиди лимон концентрати бўлган идиш ювиш воситаси синовида иштирок этаяпмиз, деб ўйлаган аёлларнинг кайфияти тезда кўтарилиб, кўзлари "ёна" бошлаган.

БУРУННИ ТИНЧ ҚЎЙИНГ!

Сексолог олимлар пластик операция воситасида бурун шаклини ўзгартиришга қаршиллар. Чунки операция пайтида бурун катагидаги "вомер" номли аъзо лат ёйиши мумкин. Айнан вомер энг "нозик" хидларни "ушлаш" вазифасини бажаради. Унга зиён етса, жинсий қувватга ҳам путур етиши ҳеч гап эмас.

Хар кимда "вомернинг" исларни қабул қилиш даражаси ҳар хил: бу асаб тизимининг ўзига хослиги ҳамда танадаги гормонлар миқдори билан боғлиқ. Жанубликларда жинсий ҳид билиш шимолликларга қараганда кучлироқ. Аёлларнинг бурни эркактарниқидан сезгирроқ. Улар ҳидга қараб эркактининг ўзига мос ёхуд мос эмаслигини аниқлаб оладилар.

ЖИНСИЙ ҚУВВАТ ҲИДИ

Аёлларнинг тахминан учдан бир қисми жинсий қуввати юқори эркактардан кучли ҳид таралади, деб ишонадилар. Шунингдек, улар эркактардан тараладиган исни ёқимли ва ёқимсиз ҳид соҳиблари, бошқа барча ижобий ҳислатларидан қатъий назар, аёллар томонидан "чикит"га чиқарилади.



Оилавий ҳаёт энди бошланган дастлабки йилда бирор бир муаммолар бўлиши мумкинлигини оила қуриш арафасида турган аксарият ёшлар етти ухлаб тушларида ҳам кўришмаган. Улар меҳр ва муҳаббат оғушида бахтли ҳаёт кечирамиз, деб ўйлашади. Аслида айнан биринчи йилда муносабатлар шаклланади, одамлар бирига ўрганади ва муаммолар ҳам туғилади.

ОИЛАВИЙ ҲАЁТНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИ

ЯНГИ РОЛЬ

Тан олайлик, ҳар бир тўй, ҳар бир никоҳ ўзига хос спектакль ёки кино. Унинг ўз режиссёрлари, актёрлари бор. Асосий ролларда эса табиийки, келин ва кув ё бўлишади. Тўй ўтади, меҳмонлар уй-ўйларига тарқалишади, аммо асосий роль ижрочилари қолишади. Энг қизиғи, келин ва кув ё қачон, қаерда нима қилиши ёки нима дейиши кераклиги олдиндан урф-одатлар, анъаналар тарзида белгилаб қўйилган. Лекин тўйдан кейин эр ва хотиннинг ҳаёти қандай кечишини ҳеч ким олдиндан айтиб беролмайди. Одатда, никоҳнинг биринчи йили ёшлар кўрган-билганларига таяниб, ўз ролларини ўзлари ёзишади. Яъни бунда улар учун туғилиб ўсган оиласидаги яқинлари ўртасидаги муносабат андоза бўлиб хизмат қилади. Ёш келин-кув ёда отаси ёхуд акасининг характерини, улар ўз турмуш ўртолқарига қиладиган муносабатнинг кўринишларини топишга уринади. Аммо баъзи ҳолларда кув ёнинг ўз отаси ёки акасининг мутлақо бошқа одам эканлигини унутиб қўяди. Ўз навбатида кув ё ҳам қайнотасига эмас, балки айнан ўзининг отасига тақдир қилишга интилади, ёш келиндан онасининг айри жиҳатларини излайди. Оқибатда, бирор бир муаммога дуч келинганда ёшлар ўртасида: "Бунақа пайтда менинг отам (акам ёки онам) бундай йўл тутган бўларди" ёхуд "Шунга ўхшаш масалада менинг отам (акам ёки онам) бунақа фикр билдирарди" каби қиёслашлардан илк жанжаллар келиб чиқади.

Аслида, бизнинг назаримизда энг тўхис, энг бахтли бўлиб кўринган оилалардан ҳам оилавий ҳаётда юз фоиз андоза олиб бўлмайди. Чунки ҳар кимнинг қарашлари, орзу-интилишлари турлича. Ён-атрофингизга бир қаранг. Эр

каллаи сахарлаб ишга кетиб, тун ярмидан оққанда уйга қайтадиган, ёки эр-хотин шунча йил бирга яшаб, бирор марта биргаликда тўй-маракаларга, байрамларга, кино ёки бошқа тадбирларга бормаган, ёхуд қизиқишу интилишлари ўзаро деярли мос келмайдиган оилалар истаганча топилади. Фалати томони, уларнинг аксарияти ўзларини бахтли оила, деб ҳисоблашади. Бундан кўринадими, бахтли оиланинг кўри-нишлари, турлари бисёр экан.

"БИЗ" БЎЛИШНИНГ МУШКУЛЛИГИ

Халқда "Севгининг кўзи кўр бўлади", деган гап бор. Бу бежизга айтилмаган. Одатда, ёшлар севги-муҳаббатдан сармаст бўлиб, тўйгача бир-бирларининг камчиликларини сезмайдилар, ёки уларга эътибор қилишмайди. Ҳаммаси тўйдан кейин бошланади. Маълум бўладики, энг муҳим масалаларда севиганларнинг фикрлари ўзаро мос келмас экан. Масалан, ёшлардан бири шаҳарга бориб яшашни истайди, иккинчиси эса буни тасаввур ҳам этолмайди. Ёки бирининг қариндошлари тез-тез келиб туришади, бу ҳол иккинчисига ёқмайди.

Бунинг учун ҳали никоҳгача ёшлар бир-бирларини ўрганишга эътибор беришлари лозим. Яъни нималар ёқини, нималар ёқмаслиги тўғрисида гаплашиб туриш, яқин ва узоқ келажақ учун режаларни биргаликда тузиши керак. Мабодро, қайсидир муҳимроқ масалаларда фикрларингиз мос келмаса тортишиб қолсаларингиз, билинги, келгуси оилавий ҳаётларингиз ҳам келишмовчилик-у, жанжаллардан ҳоли бўлмайди. Балки вақтида муносабатларга чек қўйиб, ҳар ким ўз йўлидан кетгани маъқулдир?!

ДАРМОН тайёрлади.

ТЕСТ



ҲИДА КИМ ҲЎЖАЙИН?

1. Кийимларингизни ҳаммаша ўз жойига қўясизми?
2. Идиш-товоқларни ювиш ва ахлатни чиқариб ташлаш сизнинг зиммангиздами?
3. Сиз уйда камдан-кам ҳолларда халат киясизми?
4. Кечга қандай таом тайёрлашни ўзингиз белгилайсизми?
5. Кимдир бошқа биров музлатгични очиб, нима бор-йўқлигини текшириб кўришини мутлақо хохламайсиз.
6. Оила бюджетини фақат ўзин-

7. Телевизор қаршида сизнинг белгиланган ўз жойингиз борми?
 8. Сиз нима қаерда туришини ҳаммаша яхши биласизми?
 9. Сиз ҳаммаша телефонда хоҳлаганча гаплашасизми?
 10. Сиз ўз уйингизга жуда қаттиқ боғлангансизми?
- ***
- Ҳар бир "ха" деган жавобга 2 балл қўйинг. Эркактар эса тўпланган балларига яна 4 балл қўйишин.
- 0-5 балл.** Сизни ҳеч бир ташвиши

йўқ, келиб, овқатланиб, дам олиб кетувчи меҳмонлар сирасига киритиш мумкин экан.

Бу бундоқ қараганда сиз учун қулай ҳолат. Аммо шундай давом этаверса, эрта бир кун бу уйда сизнинг маъкеингиз билан умуман ҳисоблашмай қўйишлари мумкин.

6-9 балл. Сиз оилада қарам ҳолатдасиз. Сизни севинишди, эъзозлашади, лекин фикрингиз билан унчалик ҳисоблашмайди. Шунинг учун оила муаммолари устида бош қотиршингиз рўзгор ишларига аралашиб туришингиз лозим.

10 баллдан юқори. Сиз уйда тўлақонли ҳўжайинсиз. Сиз уйдаги барча ҳўжалик ишларида иштирок этмасангиз ҳам, ҳал қилувчи сўзни ҳаммаша сиз айтасиз.

НОДИРА тайёрлади.



552 Қизимнинг ёши 27 да. Асли тошкентликмиз. Баобру, ўзига тўқ оиламиз. Ҳали турмушга чиқмаган қизим бор. Қўлидан ҳамма иш келади. Пазанда, орасталликни ёқтиради. 30-32 ёшгача бўлган, тошкентлик, яхши оиланинг фарзанди бўлган, жиддий, касбли, ишлайдиган йигит бўлса узатган бўлар эдик.
Манзилим тахририятда.
Насиба опа

553 Ёшим 33 да. Ҳали уйланмаганман. Асли тошкентликмиз. Маълумотим олий, нуфузли ташкилотда ишлайман. 25-28 ёшгача бўлган, лобар, ширинсўз, нозик таъби, оқила қиз бўлса уйланиб, оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Ақмал

554 Ёшим 61 да. Аёлим вафот этган. Асли тошкентликмиз. Олти нафар фарзандларим уй-жойлик бўлиб кетишган, кенжа ўғлим ҳали талаба. Оиламиз моддий томондан таъминланган. Бефарзанд ёки фарзандларидан кутулган, дилкаш, сўхбатдош бўла оладиган, пазанда бир аёл бўлса уйланган бўлардим.
Манзилим тахририятда.
Маҳамадамин

555 Ёшим 55 да. Аёлим вафот этган. Ёлғиз ўғлим ва келиним билан яшайман. Бўйим баланд, мулоҳазали, оғир-вазмин эркекман. Ўз ҳовлимизда яшаймиз. 50 ёшгача бўлган, иложи борича тошкентлик бўлган, фарзандсиз ёки ёлғиз яшайдиган аёл бўлса уйланиб, оила қурган бўлар эдим.
Манзилим тахририятда.
Қаҳрамон

556 Ёшим 47 да. Тақдир экан, аёлим билан ажрашиб кетдик. Ишлайман. Ўзимнинг уй-жойим бор. Жиддий, уйим-жойим деб яшайдиган эркекман. 40 ёшгача бўлган, (қаердан бўлишининг фарқи йўқ), хонадонимни обод қила оладиган, меҳрибон аёл билан танишиб, оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Ўқтам

557 Ёшим 57 да. Турмуш ўртоғим қазо қилган. Урганч шаҳрида яшайман. Моддий таъминланганман. Касбим ўқитувчилик. Шаҳар марказидаги уч хонали уйда ёлғиз ўзим яшайман. 40 ёшгача бўлган, ажрашган ёки турмушга чиқмаган, (чиرويли бўлиши шарт эмас), ақли, уй-рўзгор ишларини жойига қўя оладиган бир аёл бўлса, тўй-томоша қилиб уйланаман. У аёл бахтли бўлади, кўзидан бир томчи ёш оқмайди.
Манзилим тахририятда.
Аҳмад ака

558 Ёшим 71 да. Тошкент вилоятиданман. Аёлим вафот этган. Болаларим уй-жойли, мўмин-қобил, меҳрибон фарзандлар. Ҳаммаси уй-жойидан тиниб-тинчиб кетишган. 60 ёшгача бўлган, ёлғиз ёки фарзандларидан кутулган, мўмина бир аёл бўлса уйланардим. Қолган умримизни бирга ўтказган бўлардик.
Манзилим тахририятда.
Садриддин ота

559 Ёшим 69 да. Асли Тошкент вилоятининг, Тўйгепа шаҳриданман. Аёлим вафот этган. Болаларим уй-жойли. Бозорда уруғ сотаман. Ҳовли-жойим бор. Ҳеч нарсадан камчилигим йўқ. Лекин ёлғизликка сира кўника олмаяпман. 60 ёшгача бўлган, (қаердан бўлса ҳам фарқи йўқ), оқила, фарзанд ташвишларидан кутулган аёл бўлса, оила қурган бўлардим.
Манзилим тахририятда.
Насриддин ака

560 Жиянимнинг ёши 26 да. Турмушга чиқмаган. Асли тошкентлик. Яхши жойда ишлайди. Оқила, ибони, ниҳоятда чиройли қиз. Тошкент шаҳрида яшайдиган, иш жойин тайин бўлган, уй-жойли, умрнинг ҳар лаҳзасини қадрлайдиган, замонавий, 35 ёшгача бўлган йигит бўлса қувв қилган бўлар эдик.
Манзилим тахририятда.
Васила опа

561 Ёшим 27 да. Ажрашганман. Асли Тошкентликман. Иккита фарзандим бор. Бефарзанд, 30-37 ёшгача бўлган, тошкентлик, болаларимга оталик меҳрини бера оладиган эркек билан танишиб оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Жамила

562 Ёшим 38 да. Ажрашганман. Ишлайман. Зиёли аёлман. Тошкент вилоятида яшайман. Уч нафар фарзандларим бор. Тошкент шаҳрида яшайдиган, уй-жойли, оилани моддий таъминлай оладиган эркек билан танишиб, турмушга чиқмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Шоҳиста


563 Ёшим 60 да. Асли Самарқандликман. Болаларим уй-жойли бўлиб кетишган. Уй-жойим бор. Ишлайман. 55 ёшгача бўлган, Самарқанд шаҳрида яшайдиган, ақли, ибони, меҳри, оққўнги бир аёл бўлса уйланиш ниятидаман.
Манзилим тахририятда.
Бойсари ака

«ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам ёки шу масалада вилоятлардан хат йўллаганлар ҳам тахририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва қувларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди.

Кўшнимиз Хадича опа турмуш ўртоғи Ҳасанбой акани жуда ҳурмат қилади. У кишининг ишдан келишини сабрсизлик билан кутади. Ахир уч пахлавондек ўғлининг отаси билан ўтириб иссиқ-иссиқ чой ичишга нима етсин! Бугун ҳам шундай бўлди. Кечки овқатни болаларига сузиб берди-да: "Дадангни кутай, у киши билан бирга ейман", - деди.
Бироздан кейин кириб келган Ҳасанбой: - Хотин, эшитдингми, фалончи қўшнинг уйига ўри тушибди, сигири қолиб ҳўкизини олиб кетибди, - деди ваҳима билан.
- Сигирини боласи билан олиб чиқиб

лар, уйку гафлат, яна донг қотиб ухланманлар, бугун даданг ё келадилар, ёки йўқ, ховлида эркек бордай бўп турсин, ё амакиннинг кучугини бир кунга олиб тураимизми?" - деди болаларига.
Катта (10 яшар) ўғли эса:
- Ая, қизиксиз-а, у кишининг кучуги майдагина. Ўғри унинг нимасидан кўрқади? Кейин амаким ҳам уни бизга берадимми-йўқми, - деди.
- Ака, ўғри кўрқса кучук каттами, майдами фарқи йўқ, лекин тилини билиб, бир бурда гўшт ташлаб ишини бажараверса-чи, - деди кичик ўғли гапга қўшилиб.

«ЎҒРИ УШЛАНДИ!»



Қишлоқ хангомалари

- Бу гап ҳам тўғри, худо асрасин бизни, болаларим, - деди она уларга таскин бериб.
Кеч бўлди, ҳамма ётишга чоғланди.
Она она-да, болаларини "ухланлар", деб ўзи эрини кута бошлади. Ҳовли ўртасидаги катта тахта қаравотга кўрпача ташлаб, ёнига катта таёқ, бир-икки каттароқ тош, хамир қорадиган товоғини, (ўғри кирганини сезса, каттароқ товоққа таёқ уриб, шовқин кўтараман деб), телефонни (амакисини чақираман деб) ёнига қўйиб ўтирди.
Тунги 12 лардан ўтганда совқотгандай бўлди-да, кира солиб эрининг тўнини кийиб чиқди. Бошидаги рўмолини ечиб, белига боғлади-да, ўғлининг теллагини бошига бостириб кийиб олди. Минг ўй билан атрофидаги "охрана"ларига қараб-қараб тонгни кута бошлади.

кетолмагандир-да, - деди опа ҳам.
- Э, калтафаҳмасан-да, калтафаҳм! Ҳўкиз бозорда тез кетади, ўғриларга шу қулай.
- Дадаси, сигир боласи билан қиммат...
- гапи оғзида қолди қўшни опамизнинг.
- Энди сен ҳам эҳтиёт бўл, кечроқ ётиб, эртароқ тур, тура солиб моллардан хабар ол.
- Дадаси, сиз-чи?..
- Мен эртага эрталаб раис билан районга кетаман, бир-икки кун шу ёқда бўлишга тўғри келади. Иложи бўлса эртароқ қайтишга ҳаракат қиламан. Энди чойни суз, овқатни олиб кел. Айтганча, ўғилларингга ҳам тайинла, ялпайиб ухлашмасин, сезгиргина, тиқ этса турадиган бўлиб ётишин. Агар келолмасам ёнларингга узун қалин таёқ қўйиб ётларинг, ҳар эҳтимолга қарши. Бу ўғрилари айтиб бўлмайди. Кимга, қачон, қандай "нападат" қилишини...
Хуллас, чой ичиб, овқат ейилгунча "ўғрилар" ҳақдаги гурунги узилмади.
Эрта азондан ҳўжайинини ишга қузатган Хадича опа молхонадан хабар олиб, ўзига-ўзи: "Ўғри ҳам кимникига киришини билади, бизни нимамизни кўзларди, 4 та улогимиз-у, 7 та товуғимизими?" - деди-ю, ўзини тинчлантирди. Уй ишлари, томорқа деб олиб-юғуриб, мактабдан келган ўғилларини овқатлантириб, кечаги хабардан воқиф этди. Дадасининг гапларини тайинлаб, ишларни бўлиб берди. "Сезгир бўлиб ётинг-

Турли уй-хаёллар билан бўлиб қаравот четига суняганда кўзи илинибди. Кимнингдир: "Ҳа-а, қўлга тушдингми, билдим-а, шунинг учун девор ошиб тушган эдим-да. Тур, тур, аблаҳ! Хадичанинг хамир товоғини ҳам олиб улгурдингми? Уйдан биров чиқиб қолса, тош отиб қулатаман дегансан-да, а? Теллефониям-а?.. Ё тавба! Эркак бўлсанг, халқ олдига чиқ, афтингни ҳамма кўрсин, сени!.." - деган бақриқдан сесканиб уйгонган Хадича опа:
- Ким? Нима? Қани, қаерда?.. - дея ёнидаги таёқни излашга тушди.
- Тўннинг қўйнига товуқларни солмоқчимидинг, айт! - дея яна уни турта бошлади Ҳасанбой ака.
- Мен... мен... сиз ким? - дея даг-даг титраган Хадича опа юғуриб бориб, айвоннинг чирогини ёкди.
Ёкди-ю, рўпарасида усти-боши чанг, хурпайган хўроздай ўдағайлаб турган Ҳасанбой акани кўриб, ханг-манг бўлиб қолди. Ҳасанбой ака эса йиғлашини ҳам, кулишини ҳам билмай турган жойида қотиб қолди.
Ҳасанбой ака сал бўлмаса таёқ билан ўз хотинининг бошига солмаганига шукр қилди. Бу орада "ўғри"ни кўрганни кўни-қўшилар йиғилиб улгурган, кимдир "милиса"га ҳам хабар берганини таъкидлаб турарди.
Дилбар НОМУРОВОДА,
Термиз шаҳри.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлғезмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.
«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент, Буюк Тухон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20:00.
Босишга топширилди - 19:00
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САЙДОВА
Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41
Web-site: oilavajamiyat.uz
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1032. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 10968
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОВОВ
Навбатчи — Н. ИМОВОВ
Мусахҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ
2 3 4 5 6